




Демократик институтлар ва инсон ҳуқуқлари бўйича бюро

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ  
2015 йил 29 март

EXXT/ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссияси  
Якуний ҳисобот



Варшава  
2015 йил 23 июнь

## Мундарижа

|       |   |    |
|-------|---|----|
| I.    | ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ.....                              | 1  |
| II.   | МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР.....                 | 3  |
| III.  | СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШАРОИТ.....       | 4  |
| IV.   | САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЕРИЙ АСОС .....       | 5  |
| V.    | САЙЛОВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ .....                   | 7  |
| VI.   | САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ .....                 | 10 |
| VII.  | НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ.....                    | 13 |
| VIII. | САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТ .....                         | 15 |
| IX.   | САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ .....         | 17 |
| X.    | ОАВ .....   | 18 |
| A     | ОАВ муҳити .....                                  | 18 |
| B     | Ҳуқуқий-меъерий АСОС .....                        | 19 |
| C     | ЕХХТ/ДИИХБ томонидан ОАВ мониторинги .....        | 20 |
| XI.   | ШИКОЯТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР .....                    | 22 |
| XII.  | МИЛЛИЙ КАМЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИЛАР ИШТИРОКИ..... | 24 |
| XIII. | ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР .....         | 25 |
| XIV.  | САЙЛОВ КУНИ ВА НАТИЖАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ .....      | 26 |
| XV.   | ТАВСИЯЛАР.....                                    | 28 |
| A     | УСТУВОР ТАВСИЯЛАР .....                           | 29 |
| B     | Бошқа ТАВСИЯЛАР.....                              | 30 |
|       | ИЛОВА: ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР .....                     | 32 |
|       | ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА .....                           | 33 |

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ПРЕЗИДЕНТ САЙЛОВИ  
2015 йил 29 март**

**ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссиясининг Якуний ҳисботи<sup>1</sup>**

**I. ҚИСҚАЧА МАЗМУНИ**

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий таклифига мувофиқ ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳуқуqlари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловини кузатиш учун Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссиясини (СКЧМ) тузди.

29 март куни бўлиб ўтган Президант сайлови 2014 йил декабрь ойида ўтказилган парламент сайловлари изидан амалга оширилган тадбир бўлиб, ҳокимият вакиллари томонидан парламент ва сиёсий партиялар ролини кучайтириш сари қўйилган қадам сифатида тақдим этилди. Шундай бўлса-да, кўпчилик ва мухолиф блокларнинг шаклланишига қарамай, парламент президент ва унинг сиёсий йўналиши билан юқори даражада келишувда қолмоқда. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сұхбатдошларининг кўпчилиги 1991 йилдан буён ўз лавозимини эгаллаб келаётган амалдаги президент учун сиёсий майдонда муқобил шахс йўқлигига ишора қилдилар.

Марказий Сайлов Комиссияси (МСК) парламентда ўринларга эга бўлган партиялар томонидан тақдим этилган тўрт нафар номзодни рўйхатга олди. Мазкур номзодларнинг ҳар бири рўйхатдан ўтиш учун бир миллионга яқин имзолар тўпладилар. Президентлик лавозими Конституциянинг 90-моддасида кетма-кет икки муддат билан аниқ чекланганлигига қарамай, МСК 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ хужжатининг 5.3-бандидаги қонун устуворлиги ҳақидаги умумий тамойилга зид равишда амалдаги президентни рўйхатдан ўтказди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилик хужжатлари демократик сайловларни ўтказиш учун имкон бермайди. Сўнги бора ўтказилган президент сайловидан буён ЕХХТ/ДИИХБнинг баъзи аввалги тавсияларини инобатга олган ҳолда киритилган ўзгартиришларга қарамай, мустақил номзод сифатида президент сайловида иштирок этиш имконияти бекор қилинди ҳамда уюшиш, йиғилиш ва ифодага оид асосий эркинликлар ҳаддан ташқари кенг чекловлар орқали ниҳоят даражада қисқартирилди. Сайловда иштирок этиш ҳуқуки ЕХХТ мажбуриятлари ҳамда бошқа ҳалқаро мажбуриятлар ва андазаларга зид равишда мамлакатда яшаш муддати, тил билиш даражаси, касбий фаолият каби омилларга асосланган янада кўпроқ чекловларга дуч келмоқда, шунингдек жиноят учун ҳукм қилинган ёки суд қаршисида туриши лозим бўлган шахсларга нисбатан умумий равишда чекловлар мавжуд.

Сайлов бошқарув органлари барча қонуний муддатларга риоя қилдилар ва ўз фаолиятларини умумий равишда очиқ тарзда олиб бордилар. Шу билан бирга, МСК қарорлари ёки йўриқномалари ҳар доим ҳам оммага эълон қилинмас эди. Эълон қилинганлари эса ҳар доим ҳам ўз вақтида етказиб берилмас эди. Бу эса сайлов жараёнидаги мухим таркибий қисмларнинг изчил бўлмаган тарзда амалга оширилишига олиб келди. Гарчи МСК сайловга доир

<sup>1</sup> Ушбу ҳисботнинг инглиз тилидаги нусхаси ягона расмий ҳужжатdir. Норасмий таржималар ўзбек ва рус тилларида мавжуд.

қонунчиликни аниқлаштирувчи қатор йўриқномаларни қабул қилган бўлса-да, кўп ҳолатларда булар изчил ёки ёки тўлиқ бўлмаган хуқукий низомларни қайтариб келган.

Сайловчилар рўйхатлари турли усуулларда тузилганлиги муносабати билан ушбу рўйхатларнинг сифати ва аниқлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Сайловчилар рўйхатларини тузиш бўйича аниқ йўриқномаларнинг йўқлиги, Участка сайлов комиссияларининг (УСК) қарама-карши амалиётлари, сайлов участкалари ўртасида маълумотларни ўзаро солишириш амалиёти йўқлиги ҳамда сайлов куни қўшимча рўйхатлардан фойдаланиш бир неча маротаба рўйхатдан ўтказишга имкон яратиши мумкин. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга февраль ойида хабар берилган рўйхатдан ўтказилган сайловчилар сони сайловдан кейин ҳам ўзгаришсиз қолди, ҳолбуки сайловчилар рўйхатлари сайлов кунидан олдин ҳам, сайлов кунида ҳам янгиланиб турди.

Сайловолди ташвиқот жонсиз ўтди ва қолган уч номзодлардан ҳеч бири амалдаги президентнинг олиб бораётган сиёсати ва эришган натижаларини шубҳа остига қўймади. Сиёсий баҳс-мунозаралар ёки ҳақиқий рақобат мавжуд бўлмаган мухитда ташвиқот тадбирлари мамлакат ҳамда минтақадаги тинчлик ва барқарорликнинг эътиrozсиз кафолати сифатида майдонга чиққан амалдаги президент атрофида марказлаштирилган жараён учун орка фон сифатида хизмат қилди.

Гарчи ташвиқот тадбирлари тўлиқлигича давлат томонидан молиялаштирилган бўлса-да, сайловолди ташвиқотни молиялаштириш бўйича хуқукий-меъёрий асос атрофлича бўлмади ва фақатгина Президент сайлови тўғрисидаги қонун ичидаги бир модда ва МСК қоидаларидаги икки банд асосида тартиблаштирилди. Сиёсий партиялар олдига сайловга доир молиявий ҳисоботларни топшириш талаби қўйилмаган, шунингдек, сайловдан аввал ёки кейин бирон-бир молиявий ахборотни чоп этиш мажбурияти ҳам йўқ.

Конституция ифода эркинлигини таъминлайди, шу билан бирга қонунчилик ахборот тарқатиши эркинлиги борасида қаттиқ чекловлар қўяди, бу эса ўз-ўзини цензура қилишга олиб келади. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ўтказган ОАВ мониторинги шуни кўрсатди, қаттиқ чегараланган оммавий ахборот воситалари ҳақиқий сиёсий баҳс-муноазаралар тақдим этмади. Хозирги кун воқеаларига бағишланган кўрсатувларнинг ҳеч қайсиниси миллий байрам муносабати билан ҳар йилги табрик нутқини сўзлаган президентдан ташқари бирон-бир номзоднинг тўғридан-тўғри нутқини эфирга узатмади. Ташвиқот тадбирлари давомида номзодлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ўртасида ошкора баҳс-мунозаралар ўтказилмади. Ҳақиқий ва кўп фикрлилик тамойилларига асосланган сиёсий баҳс-муноазараларнинг йўқлиги, шунингдек маълумот алмашиш учун имконият мавжуд эмаслиги сайловчиларнинг маълумотларга таянган холда танловни амалга ошириш имкониятларини камайтириди.

Хотин-қизлар вакиллари сайлов бошқарув органларида камчиликни ташкил қилди, айниқса юқори даражаларда МСК аъзоларининг фақатгина 2 нафари хотин-қизлардир. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ташриф этган сайловолди ташвиқоти тадбирларида хотин-қизлар ўрта ҳисобда тингловчиларнинг ярмидан кўпини ташкил қилган бўлса-да, ОАВда хотин-қизлардан иборат сиёсий партия фаоллари ва вакиллари камчиликни ташкил қилди.

Миллий камчиликни ташкил қилувчилар Конституция доирасида сиёсий хукуклардан тўлиқлигича фойдаланадилар. Ташвиқот материаллари икки тилда, ўзбек ва рус тилларида, чоп этилди, номзодлар ҳам иккала тилда ташвиқот олиб бориш имкониятига эга бўлдилар. Сайлов

варақалари (бюллетенлар) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди.

Прокурорларга ёки МСК номига ҳеч қандай қонунбузарликлар ҳақида хабар берилмагани сабабли сайловга доир низоларни ҳал этиш тизими кўп жихатдан текширилмай қолди. Умуман олганда, ҳукукий-меърий асос сайловга доир низоларни ҳал этишини ҳар томонлама тартиблаштиргаган. Гарчи бир неча фуқаролар томонидан амалдаги президент номзодини кўйиш ва уни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш бўйича МСК қарори конституцияга тўғри келмаслиги борасида эътиroz билдирилган бўлса-да, Олий Суд бирон-бир шикоят умуман келиб тушмаганлигини даъво килди, Конституциявий Суд эса шикоятларда кўтарилиган масалаларни кўриб чиқмади. Мазкур ҳолат шикоятларни ЕХХТ мажбуриятларига зид равища самарали ҳукукий химоясиз қолдирди.

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ бўйича андазавий услубиётига мувофиқ миссия сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ва тизимли равища кузатиб бормади, аммо еттита туманда жойлашган муайян миқдордаги сайлов участкаларига ташриф буюрди. Овоз бериш давомида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этилган сайлов участкаларининг деярли барчасида бир неча шахслар номидан овоз бериш холатлари амалиётга кенг тадбиқ этилганини ва бунга қаршилик кўрсатилмаганини қайд этдилар, бу эса овоз бериш ҳукуки тенглиги тамоилига зарар етказган ҳолда, сайловда қатнашганлар ҳисобига эҳтимолий равища салбий таъсир кўрсатди. Овозларни ҳисоблаш вақтида УСКлар кўпинча сайловчилар рўйхатларидаги овоз берувчилар имзоларининг ададини аниқлаштиргадилар ва, шу тариқа, овоз бериш қутиларидан олинган бюллетенлар сони билан солиштиргадилар. УСКлар кўп холатларда натижалар бўйича баёнотларни тўлдиришда қийинчиликларга учрадилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган бешта ОСКларда якуний натижаларни сарҳисоб қилиш изчил равища амалга оширилмади ва қўпгина натижавий баёнотлар тўғриланиши керак бўлди.

МСК 299 нафар халқаро кузатувчиларга аккредитация берди, сиёсий партиялар эса 35 000дан ортиқ вакилларни сайлов куни сафарбар этдилар. Шундай бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ томонидан берилган аввалги тавсияларга қарамай, сайлов ҳақидаги қонун ЕХХТ мажбуриятлари ва илғор халқаро тажрибага зид равища жамоатчилик томонидан кузатув олиб борилишини таъминламаган.

## II. МУҚАДДИМА ВА ТАШАККУРНОМАЛАР

Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг расмий таклифига мувофиқ ЕХХТ Демократик институтлар ва инсон ҳукуклари бўйича бюроси (ЕХХТ/ДИИХБ) 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Президент сайловини кузатиш учун Сайловни кузатиш бўйича чекланган миссиясини (СКЧМ) тузди.<sup>2</sup> СКЧМга Тана де Зулуета (Tana de Zulueta) бошчилик қилди, унинг таркибига Тошкентда фаолият олиб борган асосий гуруҳнинг 11 нафар аъзоси ва республика бўйлаб сафарбар этилган 10 нафар узоқ муддатли кузатувчилар (УМК) кирди. Миссия аъзолари ЕХХТ иштирокчиси бўлган 18та давлат вакилларидан ташкил топди.

<sup>2</sup>

Ўзбекистон бўйича ЕХХТ/ДИИХБнинг барча аввалги ҳисботларига қаранг.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайлов жараёнининг ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларга, демократик сайловлар бўйича бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга ҳамда миллий қонунчиликка жавоб беришини баҳолади. ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ учун андазавий услубиятига мувофиқ, миссия ўз таркибига қисқа муддатли кузатувчиларни киритмади ҳамда сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ёки тизимли равишда кузатиб бормади. Шундай бўлса-да, миссия аъзолари сайлов участкаларининг чекланган сонини зиёрат қилдилар ва бальзи участкаларда натижалар сархисоб қилинишини кузатдилар. Ушбу якуний ҳисобот 2015 йил 30 март куни матбуот анжуманида эълон қилинган Дастребаки натижалар ва хуносалар Баёнотига асослангандир.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сайловларни кузатишга таклифи учун Ўзбекистон Республикаси ҳукуматига ўз миннатдорчилигини изхор этади, шунингдек, қўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун Ташқи ишлар вазирлигига (ТИВ), Марказий сайлов комиссиясига (МСК), миллий ва маҳаллий бошқарув органларига ташаккурнома билдирадилар. Шунингдек, сиёсий партиялар, ОАВ, фуқаролик жамияти вакиллари ва бошқа сұхбатдошларга ўз фикрлари билан улашганликлари учун миннатдорчилик билдиради. Бундан ташқари ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ Тошкент шаҳридаги ЕХХТ Лойиҳаси мувофиқлаштирувчисига, ЕХХТ иштирокчи давлатларининг дипломатик ваколатхоналарига ҳамда халқаро ташкилотларга миссия фаолияти давомида кўрсатган ёрдамлари ва ҳамкорликлари учун ўз миннатдорчилигини билдиради.

### III. СИЁСИЙ ВАЗИЯТ ВА КОНСТИТУЦИЯВИЙ ШАРОИТ

29 март куни бўлиб ўтган Президент сайлови 2014 йил декабрь ойида ўтказилган парламент сайловлари изидан амалга оширилган тадбир бўлиб, ҳокимият вакиллари томонидан парламент ва сиёсий партиялар ролини кучайтириш сари қўйилган қадам сифатида тақдим этилди. Шунга мувофиқ, илк бора, парламентда энг кўп овозга эга бўлган сиёсий партия Бош вазир номзодини қўйиш ҳуқуқига эга бўлди. Мазкур номзод президент тавсиясига биноан парламентдаги кўпчилик овоз билан лавозимга тасдиқланиши керак. 23 январь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзолари бир овоздан Шавкат Мирзиёевни Бош вазир лавозимига тасдиқладилар.

Конституцияга мувофиқ президент ҳанузгача кенг ҳокимиятга эга бўлиб, барча давлат муассасалари ва ҳокимият органлари устидан назоратни ушлаб туришда давом этмоқда.<sup>3</sup> Олий Мажлис парламентнинг қўйи палатасида шартли равишда қўпчилик ва муҳолифат номидан фаолият юритувчи икки блок шакллантирилганлигига қарамай, парламент президент ва унинг сиёсий йўналиши билан билан юкори даражада келишувда қолмоқда.<sup>4</sup> Рўйхатдан ўтган ягона партиялар парламентда фаолият юритиши ҳисобга олинадиган бўлса, рақобатга асосланган сиёсий муҳит учун имкониятлар ниҳоятда чеклангандир.

<sup>3</sup> Президент Бош вазир, шунингдек Сенат, Марказий банк бошқарув кенгаши ва МСК раислари номзодларини тавсия килади, Вазирлар Маҳкамаси таркибини тасдиқлади, барча судьялар ва ҳокимларни ҳамда Миллий Хавфсизлик Хизмати раисини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан четлаштиради.

<sup>4</sup> 14 март куни Ўзбекистон Либерал-демократик партияси (ЎзЛиДеп) ҳамда Ўзбекистон “Миллий тикланиш” Демократик партияси (Миллий тикланиш) 150та ўриндан 88тасига эга бўлган холда қўпчиликни ташкил килувчи “Демократик кучлар блоки”ни шакллантирилар. 16 март куни эса Ўзбекистон Халқ демократик партияси (ХДП) ва Ўзбекистон “Адолат” Социал-демократик партияси (Адолат СДП) ўзларини Демократик кучлар блокига муҳолифат деб эълон қилдилар.

Амалдаги президент ушбу лавозимни 1991 йилдан буён эгаллаб келмоқда ҳамда 2000 ва 2007 йилларда ўтказилган президент сайловларида ғолиб бўлди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сұхбатдошларининг кўпчилиги уни мамлакат ва минтақадаги барқарорлик ва хавфсизлик кафолати сифатида тавсифлаб, сиёсий майдонда унга муқобил рақиб йўқлигига ишора қилдилар.

#### **IV. САЙЛОВ ТИЗИМИ ВА ҲУҚУҚИЙ-МЕЪЁРИЙ АСОС**

Президент умумхалқ овоз бериш йўли билан беш йиллик муддатга берилган овозларнинг оддий кўпчилиги асосида сайланади. Агар ҳеч бир номзод берилган овозларнинг 50 фоизидан кўпроғини ололмаса, икки етакчи номзод ўртасида бир ой муддат ичидаги сайловнинг иккинчи давраси ўтказилади. Биринчи давра яроқли бўлиши учун сайловчилар умумий сонининг камидаги 33 фоизи овоз бериши талаб этилади, аммо иккинчи давра учун бундай талаб кўйилмаган.

Президентлик лавозими Конституциянинг 90-моддасида кетма-кет икки муддат билан аниқ чекланганлигига қарамай, МСК 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.3-бандидаги қонун устуворлиги ҳақидаги умумий тамойилга<sup>5</sup> зид равишда амалдаги президентни рўйхатдан ўтказди. Мазкур ҳолат МСКнинг Конститутцияга мувофиқ фаолият юритиш истагини гумон остига кўйди ҳамда унинг мустақиллиги борасида шубҳалар туғдирди. МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга маълум қилишича, у фақатгина партиянинг номзод кўйиш ҳуқуқини ҳамда номзодни тавсия қилиш ҳужжатларининг қонундаги талабларга мос келишини текшириш ваколатига эга. Бошқа мансабдор шахсларнинг ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган тушунтиришларга кўра, “муддат” ибораси йилларнинг аниқ сонини билдиради, шунинг учун ҳам хозирги президентлик муддати етти йил, кейинги президентлик муддати эса беш йил бўлгани учун, бу икки муддат кетма-кет икки муддат сифатида ҳисоблана олмайди. Конституциявий Суд зиммасига қонунчилик ҳужжатларининг мос келишини аниқлаш ҳамда Конституция нормаларини талқин қилиш бўйича жавобгарликни аниқ-равshan тарзда юкловчи Конституциянинг 108 ва 109-моддаларига қарамай, у 90-моддани аниқлаштириб бермаган (Шикоятлар ва мурожаатлар бўлимига қаранг).

*Конституцияга риоя этилиши керак ва Конституциявий Суд, тайинланган орган сифатида, Конституция нормаларини талқин қилиши лозим.*

Сайлов санасининг ўзи ҳам бир қатор конституциявий масалаларни кўтарди. Бир-бирига зид бўлса ҳам Конституцияда ҳамда Президент сайлови тўғрисидаги Қонунда (ПСК) мавжуд бўлган президентлик муддати узунлиги ва янги сайлов санасини белгилаш ҳақидаги низомларга қарамай, МСК сайлов кунини 2012 йилда қабул қилинган “Давлат ҳокимияти вакиллик

<sup>5</sup> 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.3-бандида “хукumat ва давлат ҳокимият органларининг бурчи конституцияга риоя этиш ... ва қонунчиликка мувофиқ фаолият юритиш” деб белгиланган. Бундан ташқари, мисол тариқасида, Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги (МДҲ) Демократик сайловлар, сайлов ҳуқуклари ва эркинликлар андазалари бўйича Конвенциясининг (МДҲ конвенцияси) 19.2(j)-моддаси доирасида иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига “давлатнинг қонунлари ва мустақил мажбуриятларига мувофиқ равишда демократик, эркин, адолатли, ҳақиқий ва даврий сайловларни ташкиллаштирадиган мустақил бетараф сайлов органларининг тузилишини таъминлаш” мажбуриятини оладилар.

органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Қонунга асосланган ҳолда эълон қилди. Ушбу қонун ҳам ўз моҳиятида Конституцияга зид келади.<sup>6</sup> Мазкур бир-бирига зид келувчи нормаларни кучда қолдириш чалкашликларга сабаб бўлмоқда ва бир-биридан фарқ қилувчи талқинларга олиб келиши мумкин.

Президент сайлови биринчи навбатда Конституция (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган), “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Қонун (Президент сайлови тўғрисидаги қонун, ПСТҚ, сўнги тузатишлар 2011 йилда киритилган), Фуқаролар сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун (Сайлов ҳукуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, сўнги тузатишлар 2004 йилда киритилган), МСК тўғрисидаги қонун (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган) ҳамда бошқа кўплаб тегишли қонунчилик ҳужжатлари билан тартиблаштирилади ва бошқарилади.<sup>7</sup> Сайлов тўғрисидаги ҳукукий-меъёрий асос демократик сайловларни ўтказишга имкон бермайди, чунки қатор низомлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга зид келади, қонунлар ва кўшимча қоидалар эса бир бирига зид келувчи меъёрларни ўз ичига олади. ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги ҳисботларида қайд этилганидек, уюшиш, йиғилиш ва ифодага оид асосий эркинликлар ҳаддан ташқари кенг чекловлар орқали ниҳоят даражада қисқартирилиб, ушбу чекловлар ўзбошимчалик билан, асосиз равишда тадбиқ этилиши мумкин.

2007 йилдаги сўнги президент сайловидан кейин ўтган давр мобайнида икки муҳим ҳукукий ўзгартиришлар киритилди. 2008 йилда, 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 7.5-бандига ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга<sup>8</sup> зид равишда

<sup>6</sup> Конституциянинг 117-моддаси сайлов президентлик муддати тугайдиган йилда — декабрь ойи учинчи ўн кунлигининг биринчи якшанбасида ўтказилишини белгилаб берган. Шу билан бирга, Конституциянинг 90-моддасига мувофиқ амалдаги президентнинг лавозимдаги етти йиллик муддати 2015 йил 16 январь куни тугаши керак эди, “Президент сайлови тўғрисида”ги Қонуннинг 8-моддасига асосан эса, “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов кампанияси бошланганлиги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ваколат муддати тугашидан камида уч ой олдин Марказий сайлов комиссияси томонидан оммавий ахборот воситаларида эълон қилинади”. “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Қонун парламент сайловлари 2014 йил декабрь ойида ўтказилишини белгилаб берди, президент сайлови эса парламент сайловлари натижалари эълон қилинган санадан бошлаб 90 кундан сўнг бўлиб ўтиши кўрсатилган.

<sup>7</sup> Бошқа тегишли қонунчилик ҳужжатларига қўйидагилдар киради: “Давлат ҳокимияти вакиллик органларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг навбатдаги сайлови тўғрисида”ги Конституциявий Қонун; Референдум натижалари ва давлат ҳокимиятини ташкил қилишнинг фундаментал тамойиллари тўғрисидаги Конституциявий Қонун (2012 йилда тузатишлар киритилган); Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун; “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 90-моддасига тузатишлар киритиш тўғрисида”ги қонун муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг баъзи қонунчилик ҳужжатларига тузатишлар киритиш тўғрисидаги қонун; Сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун; Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонун; Жиноят кодексининг ва Маъмурий ҳукуқбузарликлар кодексининг (сўнги тузатишлар 2014 йилда киритилган) тегишли бандлари; ҳамда МСК низомлари.

<sup>8</sup> 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 7.5-бандида ЕХХТ иштирокчи давлатлар “фуқароларнинг мустақил равишида ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотларнинг вакиллари сифатида, хеч кандай камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига даъвогарлик қилиш ҳукуқларини хурмат қилиш”лари кераклиги баён қилинган. БМТнинг Инсон ҳукуклари бўйича кўмитаси (БМТИҲҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий ҳукуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига берилган 25-сонли Умумий изоҳнинг 17-бандида ҳам “шахсларнинг сайловда иштирок этиш ҳукуки номзодларнинг партиялар ёки маълум бир партиялар аъзолари бўлишини талаб қилиш орқали асосиз равишида чекланмаслиги керак”, деб қатъий кўрсатилган.

**ЕХХТ/ДИИХБ Сайловни қузатиш бўйича чекланган миссиясининг Якуний ҳисоботи**

фуқаролар гурӯҳи томонидан қўллаб-қувватланувчи мустақил номзод сифатида президентликка даъвогарлик қилиш имконияти бекор қилинди. 2011 йилда президентлик муддати етти йилдан қайта беш йилга қисқартирилди.<sup>9</sup> Сўнги президент сайловидан кейин ўтган муддатда киритилган баъзи ўзгартаришлар ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсияларини инобатга олди. Жумладан, МСК муддатдан илгари овоз бериш тартиблари ҳамда дастлабки қамоқда сақлаш жойларида Участка сайлов комиссияларини (УСКларни) ташкил қилиш борасида кўпроқ тафсилотлар берувчи низом қабул қилди. Конунчиликдаги баъзи камчиликлар МСК низоми орқали ҳал этилган бўлиб, унда УСКлар зиммасига овозлар сархисоб қилинганидан сўнг натижалар баённомасини оммага тақдим қилиш мажбурияти юкланган.

*Хуқуқий-меъёрий асос ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга мос келтирилиши учун кейинги сайловлардан олдин ҳар томонлама синчковлик билан қайта кўриб чиқилиши керак, бунда асосий эркинликлар, жумладан уюшии, йигилиши ва ифода эркинликлари, қонун томонидан тегишили равиида ҳимоя қилинганилигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.*

Хуқуқий-меъёрий асосда такорий ва бир-бирига зид низомлар мавжуд, жумладан яшаш жойи ва сайловчини рўйхатга олиш ўртасидаги боғлиқлик, шикоятлар учун белгиланган муддатлар, МСК қарорларини суд орқали қайта кўриб чиқиш имкониятига доир масалалар борасида.<sup>10</sup> Бундан ташқари, қонунчилик етарли тафсилотлар даражасида сайловга доир низоларни ҳал этиш ёки ташвиқот тадбирларини молиялаштиришни тартиблаштирумайди.

*Сайловларни ўtkазиши бўйича аниқ ва батрафсил хуқуқий-меъёрий асос барча масалаларни қамраб олувчи кодекс ёки қонунлар тўпламида акс эттирилган статутли қонунчилик орқали ўрнатилиши керак. Мазкур қонунлар тўплами изчил тарзда ҳамда бирон-бир ноаниқлик ёки камчиликсиз биргаликда амал қилиши лозим.*

## V. САЙЛОВ БОШҚАРУВ ОРГАНЛАРИ

Сайлов учта бўғимдан иборат қуйидаги сайлов органлари томонидан бошқарилади: МСК, 14та Округ сайлов комиссиялари (ОСК) ва 9 060та Участка сайлов комиссиялари (УСК), 36та

<sup>9</sup> Етти йиллик муддат биринчи бор 2002 йилда Конституцияга референдум орқали киритилди, аммо 2011 йилда парламент томонидан қайта беш йиллик муддатга қисқартирилди. Тузатишлар қабул қилинганинг бу каби усули Референдум тўғрисидаги қонуннинг 1-моддасига зид келади, чунки унда “референдум орқали қабул қилингандар олий қонуний кучга эга ва факатгина референдум орқали бекор қилиниши ёки ўзгартарилиши мумкин” дейилган .

<sup>10</sup> Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 21-моддасида овоз берувчилар ўзларининг доимий яшаш жойлари асосида сайловчилар рўйхатига киритилишлари мумкинлиги белгиланган, Фуқаролар сайлов хукуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонуннинг 8-моддаси ва МСКнинг УСКларга йўрикномалар борасидаги қоидаларида эса сайловчиларни вактингчалик яшаш жойлари бўйича рўйхатга олишга рұхсат берилган. Сайловчилар рўйхатлари бўйича шикоятларни топшириш муддатлари ҳам ўзаро фарқ қиласди, Фуқароларнинг сайлов хукуклари тўғрисидаги қонуннинг 10-моддасида 24 соат кўрсатилган ва Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 23-моддасида эса 2 кун кўрсатилган. Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 14-моддасида МСК қарорлари якуний деб белгиланган, МСК тўғрисидаги қонуннинг 12-моддасида эса ушбу қарорлар юзасидан Олий судга аппеляция топшириш имконияти берилган.

давлатда жойлашган дипломатик ваколатхоналардаги 44та УСКлар ҳам уларнинг ичига киради.<sup>11</sup> МСК домий орган бўлиб, ОСК ва УСКлар хар бир сайлов учун алоҳида тузилади.

МСК аъзолари парламент томонидан вилоят кенгашларининг тавсияларига асосланган холда чекланмаган муддатга тайинланадилар. Хозирги кунда МСК 17 нафар аъзолардан таркиб топган, улардан 9 нафари 2014 йилда тайинлангандир. МСК аъзоларининг 2 нафари хотин-қизлардир. МСК аъзолари президент берган тавсияга асосланган холда ўз иchlаридан раис сайлайдилар. Қарор кўпчилик аъзоларнинг овоз бериши йўли билан қабул қилинади, агар овозлар сони тенг бўлса, раиснинг овози ҳал қилувчи ҳисобланади. МСК аъзоларининг асосий қисми МСКдаги вазифаларига қўшимча равишда бошқа жойларда иш фаолияти олиб борадилар, уларнинг кўпчилиги ўзларининг тегишли вилоятларидан МСК сессиялари учун маҳсус Тошкентга сафар қиладилар. Кузатув қамраб олган муддат ичida МСКнинг тўртта йиғилиши (сессияси) бўлиб ўтди.

МСК сайлов тўғрисидаги қонунчиликнинг бир хилда бажарилишини назорат қилиш ҳамда унинг амалиётга тадбиқ этилишини аниқлаштириш учун масъулдир. 2014 йилда Конституцияга киритилган ўзгартиришлар МСКга конституциявий орган мақомини берди ҳамда унинг фаолиятини бошқарувчи тамойиллар сифатида мустақиллик, қонунийлик, коллегиаллик, очиқлик ва адолатни белгилаб қўйди. Шундай бўлса-да, МСК парламент томонидан тайинланиши ва тарқатилиши унинг мустақиллиги борасида хавотирлар ўйғотади.<sup>12</sup>

*МСК мустақиллигини кафолатлаши мақсадида ушбу орган барчани қамровга олган (инклузив) ҳамда кўпчилик шитироки (плюралистик) асосида тайинланишини таъминловчи ўзгартиришларни қонунчиликка киритиши масаласига эътибор берии мумкин.*

Барча ОСК ва УСКлар қонуний муддатлар ичida тайинландилар. 16 январь куни МСК вилоят кенгашларининг тавсияларига мувофиқ ОСКларни тайинлади. Ҳар бир ОСКда 9 нафардан 11 нафаргача аъзолар кирди. Хотин-қизлар ОСКларда камчилик бўлиб, хусусан раҳбарлик лавозимларида, умумий аъзолар сонининг тахминан 15 фоизини ташкил қилдилар. ОСКлар сайлов участкаларини шакллантиридилар ҳамда маҳаллалар<sup>13</sup> ва туман ёки шаҳар кенгашларининг тавсияларига асосланган холда 86 000 нафар УСК аъзоларини тайинладилар. Раислар, ўринбосарлар ва котиблар ОСК ва УСК аъзолари томонидан ўзларининг иchlаридан

<sup>11</sup> МСК берган маълумотга кўра, дастлабки хибса саклаш марказларида март ойининг ўрталарида икки УСК ташкиллаштирилди. Мазкур вактга қадар, тегишли ОСКлар ушбу марказлардаги сайловчиларга кўчма сайлов кутилари орқали хизмат кўрсатилиши ҳақида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ УМКларга хабар бердилар. Шу билан бирга, Тошкент шаҳридаги 654-сонли УСК раиси УСК февраль ойида ташкил этилганлигини ҳамда улар олдиндан барча тегишли ўқув машғулотларини ва бошқа тайёргарликларни бажариб қўйганликлари ҳақида баёнот берди.

<sup>12</sup> Мисол учун, қаранг, Европа Кенгashi хузуридаги хукуқ орқали демократия учун Европа комиссияси (Венеция комиссияси)нинг 2002 йилда қабул қилинган [Сайлов масалалари бўйича илгор тажриба кодексидаги](#) 3.1.b бўлимга қаранг, унда “маъмурий ҳокимият органларининг сиёсий ҳокимиятга эгалик килувчилардан мустақиллиги борасида кўп йиллик анъана мавжуд бўлмаган жойларда мустакил ва холис сайлов комиссиялари миллий даражадан сайлов участкаси даражасигача тайинланиши керак” дейилган.

<sup>13</sup> Маҳаллалар анъанавий ўзбек жамоати тузилмаси бўлиб, аҳоли яшайдиган жойларда кундалик ҳаётни тартиблаштириб туради ҳамда давлат ва жамият ўртасидаги алоқа вазифасини бажаради. Уларнинг роли 1993 йилда қабул қилинган Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда (Маҳаллалар тўғрисидаги қонун) расман белгилаб берилгандир. Маҳалла қўмитаси қарорларини бузиш қонун тарафидан жазоланади.

сайландилар.

УСКлар 5тадан 19 нафаргача аъзолардан ташкил топган. УСК аъзоларининг 43 фоизи хотин-қизлардан ташкил топган. УСК аъзоларининг номзодларини тавсия қилиш бўйича мезонлар МСК томонидан аниқ кўрсатилмаган бўлса-да, улар асосан УСК жойлашган муассаса ходимлари ёки шу ердаги маҳалла фаолларидан ташкил топди. УСК раислари эса кўпчилик ҳолатларда тегишли УСК жисмонан жойлашган муассаса раҳбарларидан иборат бўлди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ташриф этган ОСК ва УСКлар ўз вазифаларини бажариш учун барча зарурый маълумотлар ва манбаларни олганликларини хабар қилдилар. МСК мамлакат бўйлаб ОСК ва УСКлар учун ўқув машғулотлари ўтказди. Ўқув машғулотлари Адлия вазирлиги каби муассасалардан келган ҳамда сайлов жараёнининг ўзига хос жиҳатлари ҳақида билимга эга бўлган турли мутахассислар ёрдамида олиб борилди. Ўқув машғулотлари шунингдек видеолавҳалар воситасида олиб борилди, улардан баъзилари маълум бир вақтларда кўриш учун УСКлар учун давлат телеканалларида эфирга узатилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ УМКлари қайд этишича, ўқув машғулотлари амалийдан кўра кўпроқ расмий тусга эга бўлди ва, гарчи кўпгина мавзулар кўрилган бўлса ҳам, овозларни ҳисоблаш жараёни ёки эҳтимолий ҳуқуқбузарликлар бўйича шикоятларни кўриб чиқиши масалаларига кам эътибор қаратилди. Мазкур ҳолат Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг изчил бўлмаган тарзда тадбиқ этилишига ҳисса қўшди.

МСК барча қонуний муддатларга риоя қилди ва ўз йиғилишларини аммавий ахборот воситалари, сиёсий партиялар ва халқаро кузатувчилар учун очиб бериш орқали фаолиятини умумий равища очиқ тарзда олиб борди. Шу билан бирга, МСК ўз қарорлари ва қоидаларининг ҳаммасини ҳам оммага эълон қилмади, ҳолбуки Конституциянинг 84-моддасида ҳамда Меъёрий-хуқуқий хужжатлар тўғрисидаги қонунда кўрсатилганидек, қонун ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларни чоп этиш уларнинг кучга кириши учун дастлабки шартлардандир. Нашр этилганлари эса ҳар доим ҳам ўз вақтида МСК веб-сайтига жойлаштирилмади ёки газеталарда чоп этилмади.<sup>14</sup> Шу тариқа, гарчи нашр этилмаган хужжатлар юридик жиҳатдан мажбурий бўлмаса ҳам, амалда улар бажарилди. МСК ўз веб-сайтидан омма билан алоқа қилиш учун фойдаланган бир пайтда, айниқса сайлов куни бу жараён кенгроқ кўламда кечди, жойлаштирилган янгиликларнинг аксар қисми Ўзбекистон ҳукумати томонидан сайлов жараёнини кузатиш учун таклиф қилинган гурухлар ёки шахсларнинг мақтовли изоҳларидан ташкил топди.

Сайлов тўғрисидаги қонунчилик қай тарзда амалга тадбиқ қилиниши борасида аниқлик киритиш мақсадида МСК қатор қоидаларни қабул қилди, улардан баъзилари фойдали равища номзодларни рўйхатга олиш ва муддатидан илгари овоз бериш бўйича қонунга ойдинлик киритдилар. Шу билан бирга, кўпгина холатларда МСК қарорлари бир бирига зид келувчи ёки тўлиқ бўлмаган хуқуқий низомларни ойдинлаштирилмай, балки тақрорлаб келиб, ОСК ва УСКларни сайлов жараёнларининг мухим унсурларини қай тарзда тўғри ва тадрижий амалга ошириш бўйича тегишли йўриқномаларсиз қолдирди.<sup>15</sup> Бунинг натижасида, гарчи ОСК ва УСК

<sup>14</sup> Мисол учун, 2014 йил 26 декабрда қабул қилинган қарорда МСК бир қанча йўриқномаларни, жумладан ОСКлар, ОАВ ва имзоларни тўплаш бўйича йўриқномаларни, қабул қилди. Улар МСК веб-сайтига фақатгина 2015 йилнинг февраль ойида жойлаштирилдилар.

<sup>15</sup> Буларнинг ичига УСКлар, сайловчиларни рўйхатга олиш, кузатувчилар, ташвиқот тадбирларини молиялаштириш, кўчма овоз бериш ва якуний натижаларни сархисоб қилиш бўйича йўриқномалар киради.

аъзолари умумий равишда қонунчиликни яхши билсалар-да, аммо ноаниқ йўриқномаларни амалга тадбиқ қилишда қийинчиликларга учрадилар, айниқса сайлов куни овозларни ҳисоблаш ва натижаларни сарҳисоб қилиш борасида. Бундан ташқари, баъзи қоидалар, жумладан овоз бериш қутиларини муҳрлаш ва УСКларда баённомаларни оммага тақдим қилиш бўйича, сайлов кунига икки ҳафта қолганида тасдиқланди. Бу каби кечиккан қўшимчаларни барча комиссия аъзоларига етказиш қийинчилик туғдириши мумкин, натижада улар изчил бўлмаган тарзда бажарилиши эҳтимоли мавжуд.

Гарчи қонунчиликда маҳаллаларнинг чекланган роли белгиланган бўлса-да, амалда улар сайлов жараёнининг бир қанча муҳим босқичларида фаол равишда иштирок этдилар.<sup>16</sup> Улар УСК аъзоларини сайлашда ёрдам бердилар, сайловчилар рўйхатлари учун асосий маълумотлар тақдим этдилар ҳамда УСКларга уларни текшириш борасида ёрдам кўрсатдилар, сайловчиларга таклифномаларни тарқатиш бўйича кўмак бердилар ва сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш ҳаракатларига ўз ҳиссаларини қўшдилар ҳамда сайлов куни фуқароларни овоз беришга жалб қилиш бўйича фаолият олиб бордилар. Кўпчилик УСК ва ОСКлар таркибида ҳеч бўлмаса бир нафар аъзоси маҳалла вакилидан иборат эди. Уларнинг таъсири ижобий бўлиши мумкин, аммо маҳаллалар вазифаси бўйича ҳуқукий-меъёрий низомлар йўклиги бажариладиган вазифалар борасида умумий чалкашликлар келтириб чиқарди.

Муддатидан илгари овоз бериш сайлов кунидан 10 кун аввал бошланди. Унда иштирок этиш учун сайловчилар нима учун сайлов куни ўзларининг сайлов участкаларидан узоқда бўлишлари сабаби кўрсатилган ариза топширишлари керак эди, лекин ҳеч қандай далил талаб қилинмади. МСК берган маълумотларга мувофиқ, муддатидан илгари овоз бериш учун 103 990та бюллетенлар чоп этилди ва умумий ҳисобда 28 422 нафар фуқаролар муддатидан илгари овоз бердилар (ўрта ҳисобда ҳар бир сайлов участкасига 3 нафар сайловчи тўғри келади). Муддатидан илгари овоз бериш бюллетенлари бошқа рангда чоп этилиб, одатий бюллетенлардан ажратиб олиниши мумкин бўлганлиги сабабли, муддатидан илгари овоз берганлар шахси маҳфийлигига кўп ҳолатларда путур етди.

МСК сайловчиларнинг хабардорлигини ошириш бўйича ташвиқот ишларини миллий ва вилоят телеканалларида олиб бориб, улар сайлов куни яқинлашган сари авж олди. Сайлов кунини эслатиб турувчи ва овоз бериш тартибларини тушунтириб берувчи миллий ва вилоят телеканалларидағи лавҳалар ва дастурлар ҳамда электрон эълон тахталари ва матн кўринишидаги хабарномалар кўзга ташланиб турди. МСК ва ОСКлар мамлакат бўйлаб учрашувлар ўтказдилар, хусусан илк бора овоз берувчилар, аёллар ҳамда маҳалла раислари ва маҳаллий раҳбарлар каби жойлардаги эътиборга эга шахслар билан учрашувларга урғу бердилар.

## VI. САЙЛОВЧИЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Конституция 18 ёшга тўлган ҳар бир фуқарога овоз бериш ҳуқукини беради, суд қарори билан ноқобил деб топилган ёки қамоқда жазо муддатини ўтаётганлар, содир этилган жиноятнинг

<sup>16</sup> Маҳаллалар ва уларнинг сайловлардаги ўзига хос вазифаси фақатгина Фуқароларнинг ўз-ўзини бошқариш органлари тўғрисидаги қонунда айтиб ўтилган, унда маҳаллалар ОСКларга УСК учун номзодларини тавсия қиласидилар дейилган .

оғирлигидан қатъий назар, бундан мустасно. ЕХХТ/ДИИХБ томонидан аввал ҳам қайд этилганидек, сайлов хуқуқларининг ҳар қандай жиноятни содир этиш асосида чекланиши мутаносиблик тамойилига зид келади.<sup>17</sup>

Сайловчилар рўйхатларининг сифати ва аниқлиги жиддий муаммо бўлиб қолмоқда. Гарчи Президент сайлови тўғрисидаги қонунда туман ва шаҳар ҳокимларни ҳар бир сайлов учун сайловчилар рўйхатларини тузиш мақсадида УСКларга бошланғич маълумотларни беришлари белгилаб берилган бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ УМКларга мувофиқ, сайловчилар рўйхатлари турли хил йўллар билан тузилди. Баъзи жойларда маҳаллалар ўз худудларида ҳақиқатдан ҳам истиқомат қилувчи маҳаллий аҳоли ҳақидаги ўзларининг билимлари асосида сайловчилар рўйхатларини туздилар. Бошқа жойларда сайловчилар рўйхати расмий рўйхатдан ўтган манзиллар асосида тузилди.<sup>18</sup> ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга хабар берилишича, мамлакат ичida кўчиб юрувчиларнинг кўпчилиги янги манзилларда рўйхатдан ўтмасликни афзал кўрадилар, яъни сайловчилар рўйхати ҳар доим ҳам фуқаронинг асл яшаш манзилини акс эттиrmайди. Сайловчилар рўйхатларини тузиш бўйича аниқ йўриқномаларнинг йўқлиги, УСКларнинг қарама-қарши амалиётлари ҳамда сайлов участкалари ўртасида маълумотларни ўзаро солиштириш амалиёти йўқлиги бир неча маротаба рўйхатдан ўтказишга имкон яратиши мумкин.

*Сайловчилар рўйхатларини янгилаш, қайта кўриб чиқиши, солишиши ва бир исмни бир неча маротаба киритиши ҳолатларининг олдини олиши имкониятини берадиган сайловчиларни рўйхатга олиши бўйича ягона тартибни жорий қилиши масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Сайловчиларни рўйхатга олиши тартиби қонунчиликда аниқ ва батафсил тарзда белгиланиб, изчил равиида амалга тадбиқ этилиши керак.*

УСКлар сайловчилар рўйхатларини маҳалла қўмиталари ёрдамида хонадонма-хонадон текширганликлари ҳамда ушбу фурсатдан фойдаланиб, қайси сайловчиларда муддатдан илгари ёки кўчма сайлов қутилари орқали овоз бериш истаги борлигини суриштирганликлари ҳақида ҳисобот бердилар. Сайловчилар рўйхатлари УСКлар томонидан 14 март куни фуқаролар

<sup>17</sup> 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 24-бандида қўйидағилар белгиланган: “демократик жамиятда, хуқуклар ва эркинликларнинг ҳар қандай чекланиши қўлланилаётган қонуннинг мақсадларидан бирига тегишли бўлиши керак ва ушбу қонуннинг мақсади билан қатъян мутаносиб бўлиши лозим”. Шунингдек, БМТнинг Инсон хуқуклари бўйича қўмитаси (БМТИХҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий хуқуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига берилган 25-сонли Умумий изохнинг 14-бандига қаранг, унда овоз бериш хуқуқидан маҳрум қилиш учун асослар “объектив” ва “оқилона” бўлиши талаб қилинади. Мисол учун, Инсон хуқуклари бўйича Европа судининг (ИХБЕС) карорларини олайлик: *Скоппола Италияга қарши* (№3) [GC], №126/5, 2012 йил 22 май; ва *Хёрст Бирлашган Қиролликка қарши* (№2) [GC], №74025/016 2005 йил 6 октябрь. Мазкур икки иш бўйича чиқарилган карорда ИХБЕС маҳбусларни уларнинг хуқукларидан маҳрум қилиш, содир этилган жиноятнинг оғирлигига ва жазо хукмининг муддатига қарамай амалга оширилиши, сайловларда иштирок этиш хуқуқига нисбатан номутаносиб ва номувофиқ бўлган. 2010 йил 20 майдаги 38832/06-сонли *Кисс Венгрияга қарши* иш бўйича чиқарилган қарорида ИХБЕС хуқуқий лаёқатсизликка асосланиб фуқаролик хуқукларидан маҳрум қилиш ҳолатлари бўйича қайд этиди-ки, “индивидуаллаштирилган суд-хуқуқ баҳосисиз овоз бериш хуқукларидан бетартиб маҳрум қилиш, ... овоз бериш хуқуқини чеклаш учун хуқукий асосларга мос келади деб ҳисоблаб бўлмайди.”

<sup>18</sup> Қонунга биноан, ҳар бир сайловчи ўзининг яшаш манзили Ички ишлар вазирлигининг тегишли маҳаллий бўлимидан расмий рўйхатдан ўтган худуд бўйича фақат битта сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин. Сайлов хуқуқларининг кафолатлари тўғрисидаги қонунга биноан эса булар сайловчининг рўйхатдан ўтган доимий ёки муваққат манзиллари бўлиши мумкин.

эътиборига, улар билан танишиб чиқишилари ҳамда сайлов кунига қадар ва сайлов куни ўзгаришишлар киритишни талаб қилишилари учун, тақдим қилинди. Бориб кўрилган УСКларда кам сонли сайловчилар мазкур имкониятдан фойдаландилар ва бу рўйхатдан ўтган сайловчиларнинг якуний сонига қанчалик таъсир кўрсатгани аниқ эмас.

Президент сайлови тўғрисидаги қонунда сайловчилар рўйхати овоз беришни ташкиллаштириш учун қулай бўлган шаклда тузилиши мумкинлиги белгиланган – баъзи рўйхатлар манзил бўйича тартиблаштирилган бўлса, бошқалари фамилия бўйича тартибга келтирилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ шунингдек баъзи қўлда ёзилган рўйхатларни ҳам кузатди, гарчи уларнинг аксари компьютерда терилган бўлса ҳам. Кўриб чиқилган рўйхатларнинг катта қисми тўлиқ бўлмай, уларда кўпинча исмлар ва туғилган саналар кўрсатилмаган, кам ҳолатларда эса вояга етмаган сайловчиларни ҳам қўшиб қўйиш кузатилган.

Ҳарбий қисмлар, дастлабки қамоқда сақлаш марказлари, дипломатик ваколатхоналар, сиҳатгоҳлар ва бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларида ушбу идораларнинг раҳбарлари томонидан маҳсус сайловчилар рўйхатлари тузилди. Шахсини тасдиқловчи ҳужжат ва сайлов участкаси худудида истиқомат қилишини исботловчи маълумотнома тақдим этган ҳар қандай сайловчи сайлов куни қўшимча сайловчилар рўйхатига киритилиши мумкин эди. Сайлов куни сайловчиларни рўйхатга олиш халқаро илғор тажрибага мос келмайди ва сайловчиларни кўп бора рўйхатга олиш ҳолатларига олиб келиши мумкин.<sup>19</sup>

Сайловдан сўнг, МСК ЕХХТ/ДИИХТ СКЧМга аввалроқ февраль ойида хабар берилган 20 798 052 нафар рўйхатдан ўтказилган сайловчилар сони сайловдан кейин ҳам ўзгаришсиз қолганини тасдиқлади, ҳолбуки сайловчилар рўйхатлари мазкур даврдан буён сайловчилар ва расмийлар томонидан янгиланиб турди, сайлов куни эса қўшимча рўйхатлар тузилди. Сайловчилар бўйича рўйхатга киритилган батафсил маълумотлар, жумладан жинси бўйича, мавжуд бўлмади. Гарчи Президент сайлови тўғрисидаги қонунда сайлов участкаларида рўйхатдан ўтган сайловчилар 20 нафардан 3000 нафаргача бўлиши керак деган умумий қоида белгиланган бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХТ СКЧМ 3000 нафардан ортиқ сайловчилар мавжуд бўлган бир неча сайлов участкаларига ташриф буюрди, улардан энг каттасида 3 999 нафар сайловчилар бор эди.

Сайловдан бир оз олдин МСК 15 537 нафар сайловчилар хорижда рўйхатдан ўтганликлари ҳақида баёнот берди, аммо МСК томонидан тасдиқланган ОСК баённомаси эса сайловчилар сонини 12 198 нафар этиб кўрсатди.<sup>20</sup> Ушбу тафовут сабаблари ноаниқ қолди. Қолаверса, ЕХХТ/ДИИХТ СКЧМ сұхбатдошларининг кўпчилиги хорижда бир неча миллион фуқаролар истиқомат қилиши мумкинлигига ишора қилдилар.<sup>21</sup> Уларнинг қанчаси мамлакат ичидаги сайловчилар рўйхатида қолаётганлиги аниқ эмас. ТИВ барча мақбул сайловчилар, ҳатто дастлаб

<sup>19</sup> Мисол учун, Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексидаги 1.2.iv бўлимга қаранг, унда “сайлов участкалари сайловчиларни сайлов кунининг ўзида рўйхатга олишларига рухсат берилмаслиги керак” деб тавсия қилинган.

<sup>20</sup> Ушбу 12 198 нафарга ОСК баённомасида кўрсатилган сонга мувофиқ хорижда қўшимча рўйхатларга киритилган 2 301 нафар сайловчилар кирмайди.

<sup>21</sup> [Россия Федерациясидаги Федерал миграция хизматининг 4 март ҳолатига](#) берган маълумотига кўра, 2,13 миллионга яқин Ўзбекистон фуқаролари расман Россия Федерациясида рўйхатдан ўтганлар, улардан тахминан 1,98 миллион нафари 18 ёшга етганларни ташкил қиласди.

рўйхатдан ўтмасалар ҳам, дипломатик ваколатхоналарда овоз бериш хуқуқига эгадирлар, деб баёнот берди.

## VII. НОМЗОДЛАРНИ РЎЙХАТГА ОЛИШ

Камида 35 ёшга тўлган, ўзбек тилида эркин сўзлаша оладиган ва мамлакатда сайлов кунидан олдин камида 10 йил истиқомат қилган фуқаролар номзодлар сифатида иштирок этишлари мумкин. Қасдан жиноят этганлиги учун ҳукм этилган, жиноий иш содир этганликда айбланган ёки диний ташкилотларда касбий фаолият юритаётган шахслар иштирок этиш хуқуқига эга эмаслар. Бундан ташқари сайловда иштирок этиш хуқуки номзодлар фақатгина сиёсий партиялар томонидан тавсия қилиниши талаби билан чегаралангандир.

Яшаш муддати, тил маҳорати, касбий фаолиятга асосланган чекловлар, шунингдек жиноят содир этганларга нисбатан қўлланиладиган умумий чеклашлар ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ва бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга зид келади.<sup>22</sup> Суд қаршисида туриши лозим бўлган шахсларни мустасно этиш, айбиззлик презумпцияси тамойилига зид келади.<sup>23</sup> Бундан ташқари, тил маҳоратини текшириш бўйича ҳеч қандай хуқуқий низомлар ёки амалий механизмлар мавжуд эмас.<sup>24</sup> ЕХХТ/ДИИХБ ҳамда Венеция комиссияси томонидан берилган аввалги бир неча тавсияларга қарамай, шунингдек ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган хужжатининг 7.5-бандига ва бошқа халқаро мажбуриятлар ва меъёрларга зид равища фуқаролар мустакил номзодлар сифатида иштирок эта олмайдилар.<sup>25</sup>

*Президентликка номзодни қўйии бўйича асоссиз чекловлар қонунчилик ҳужжатларидан олиб ташланиши керак. Мамлакатда яшаш муддати камида 10 йил бўлиши керак деб қўйилган*

<sup>22</sup> Қаранг, 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ хужжатининг 7.3, 7.5 ва 24-бандлари ҳамда Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илгор тажриба кодексидаги 1.1.с Бўлими. Бундан ташқари, БМТИХҚ томонидан Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига 1996 йилда берилган 25-сонли Умумий изоҳнинг 15-бандида “сайловлarda иштирок этиш учун қўйилган хар қандай чекловлар ... объектив ва оқилона мезонларга асосланган бўлиши керак. Бошқа жиҳатдан сайловда иштирок этиши мумкин бўлган шахслар таълими, яшаш жойи ёки келиб чиқиши каби асоссиз ва камситувчи талаблар, ёки сиёсий мансублиги туфайли истисно қилинмаслиги керак” дейилган. 2002 йилда қабул қилинган МДҲ Демократик сайловлар, сайлов хукуклари ва эркинликлар андазалари бўйича Конвенциясининг 2.б-моддасига биноан “Фуқаронинг сайлаш ва сайланиш хукуки ... жинс, тил, дин ёки эътиқод, сиёсий ёки бошқа қарашлар, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиш, миллий камчилик ёки этник гурухга мансублик, мол-мулк ёки бошқа мавқеъга асосланган камситиш руҳидаги ҳар қандай чекловларсиз амалга тадбиқ қилиниши керак”.

<sup>23</sup> 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ хужжатининг 5.19-бандида “ҳар бир шахс қонун асосида айби тасдиқланмагунча айбизз ҳисобланади” дейилган .

<sup>24</sup> МСК ЕХХТ/ДИИХБ СКМЧга маълум қилишича, номзодларнинг тил маҳоратини текширишга хожат йўқ, чунки уларнинг хар бири билан таниш бўлиб, омма олдида нутқ сўзлаганларини эшитганлар.

<sup>25</sup> ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган хужжатининг 7.5-бандида ЕХХТ иштирокчи давлатлари “фуқароларнинг мустакил равища ёки сиёсий партиялар ёки ташкилотларнинг вакиллари сифатида, ҳеч қандай камситишсиз, сиёсий ёки давлат лавозимларига давогарлик қилиш хукукларини хурмат қилиш”лари кераклиги баён этилган. БМТнинг Инсон хукуклари бўйича қўмитаси (БМТИХҚ) томонидан Фуқаролик ва сиёсий хукуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 25-моддасига берилган 25 сонли Умумий изоҳнинг 17-бандида ҳам “шахсларнинг сайловда иштирок этиш хуқуки номзодларнинг партиялар ёки маълум бир партиялар аъзолари бўлишини талаб қилиш орқали асоссиз равища чекланмаслиги керак”, деб қатъий кўрсатилган.

талаф ҳамда давлат тилини яхши билиш талаби бекор қилинини керак. Устидан суд бўлиб ўтаётган ёки қамоқда бўлган фуқароларнинг, улар содир этган жиноят оғирлигидан қатъи назар, номзодларини қўйши бўйича ҳуқуқларининг чекланиши ҳам бекор қилинини керак. Мустақил номзодлар сайловда иштирок ҳуқуқига эга бўлишлари керак.

Номзодлар сиёсий фақатгина сиёсий партиялар томонидан тавсия этилиши мумкин, мазкур партиялар сайлов эълон қилинган кундан камида олти ой аввал Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтган бўлиши ҳамда овоз бериш кунидан камида 70 кун олдин МСК томонидан рўйхатга олинган бўлиши керак. Сайлов ҳақидаги қонунчилик ҳужжатлари ҳар бир партия ўз номзодини тавсия қилиши учун умуммиллий қурултой ўтказишини талаб қиласди, шундай бўлса-да, амалда номзодлар қурултойлар ўтказилишидан аввал танланиб, имзолар тўпланади, шу тариқа партия аъзоларининг номзодларни тавсия қилиш устидан ҳақиқий назорат олиб бориш ҳуқуклари рад этилади.<sup>26</sup>

Сиёсий партиянинг президентликка номзодини рўйхатдан ўтказиш учун аризасида республикадаги сайловчилар умумий сонининг камида беш фоизига тегишли қўллаб-қувватловчи имзолар бўлиши керак, умумий миқдорда бу тахминан бир миллион имзо бўлиб, камида саккиз ҳудудий бўлинмалардан олиниши керак, имзоларнинг саккиз фоизидан ортиқ бўлмаган миқдори бошқа ҳар қандай ҳудудий бўлинмалардан олиниши мумкин. Умумий ҳисобда, беш фуқародан бир нафари кўрсатилган тўрт номзоддан бирини қўллаб-қувватлаш учун имзо чекиши керак эди. Талаб қилинаётган қўллаб-қувватловчи имзоларнинг миқдори асоссиз равишда юқори бўлиб, халқаро илғор тажрибага зид келади.<sup>27</sup> Гарчи солиширма текшириш имконияти бўлмаса-да, сайловчи фақат бир номзод учун имзо чекиши мумкин, бу эса рақобатни чегаралаб қўйиши мумкин.<sup>28</sup> Тўрт сиёсий партия томонидан ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотларга кўра, талаб этилган имзолар сонини тўплаш ҳеч бир муаммога учрамади ва бир партия талаб этилган миқдордан ҳам ортиқ имзоларни тақдим этди.

*Сайлов бўйича илғор тажрибага мувофиқ қўллаб-қувватловчи имзолар сони камайтирилиши мумкин ҳамда фуқаролар фақат бир номзод учун овоз беришилари керак деган чеклов олиб ташланиши мумкин.*

Рўйхатдан ўтган тўрт партиянинг барчаси ўзларининг номзодлари бўйича аризаларни 9-11 февраль кунлари ўртасида тақдим этдилар. МСК тегишли низомда<sup>29</sup> кўрсатилган мезонлар

<sup>26</sup> Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг 24<sup>2</sup>-моддасига мувофиқ “Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар кўрсатиш сайловга олтмиш беш кун қолганида бошланади ва қирқ беш кун қолганида тугайди”.

<sup>27</sup> Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексидаги 1.3.ii Бўлимда “конун тегишли сайлов округидаги сайловчиларнинг 1%дан ортиқ имзоларни тўплаш бўйича талаб қўймаслиги керак” дейилган.

<sup>28</sup> Мисол учун, 2010 йилдаги ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссиясининг [Сиёсий партиялар фаолиятини тартиблаштириш бўйича йўрикномада](#) “кўп фикрлилик ва уюшмалар эркинлигини ошириш мақсадида қонунчилик фуқароларни фақатгина бир партияни кувватловчи рўйхатга имзо чекиш билан чегараламаслиги лозим” дейилган.

<sup>29</sup> 661-сонли МСК низоми, 2014 йил 26 декабрда тузатиш киритилган, имзо шаклларини текшириш бўйича йўрикномаларни ишлаб чиқкан. Шу билан бирга, Венеция комиссиясининг Сайлов масалалари бўйича илғор тажриба кодексидаги 1.3.iv бўлимида “текширув жараёни умумий равишда барча имзоларни қамраб олиши керак” деб тавсия қилинган. Амалдаги қоидалар партияни намунадаги яроқсиз имзоларнинг маълум

асосида имзоларнинг 15 фойизига тенг намуналарни текшириш учун ишчи гурухларини тузганлиги ҳақида хабар берди. Агар намуналарнинг 10 фойизидан ортиғи ҳақиқий эмас деб топилса, кейинги текширув олиб борилмайди ва номзод рўйхатдан ўтказилмайди. Ҳар бир номзодлик тўплами мақбул деб топилди ва МСК қонунчиликда белгиланган етти кундан беш куни ичидаги имзоларнинг текширувани якунлаб, тўрт нафар номзодни 14 февраль куни рўйхатдан ўтказди. Аввалги президент сайловидан фарқли ўлароқ, рўйхатдан ўтган номзодларнинг барчаси эркаклардан таркиб топди.<sup>30</sup>

### VIII. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТ

Ташвиқот тадбирлари 14 март куни расман бошланди ва 28 марта қадар давом этди. Тўрт нафар номзод қўйидагилардир: амалдаги Президент Ислом Каримов, ЎзЛиДеп томонидан номзоди қўйилган; Хотамжон Кетмонов, Ўзбекистон Халқ Демократик Партияси (ЎзХДП) томонидан номзоди қўйилган; Акмал Саидов, Ўзбекистон Демократик Партияси (“Миллий тикланиш” партияси) томонидан номзоди қўйилган; ва Наримон Умаров, Ўзбекистон Социал-демократик партияси (“Адолат” партияси) томонидан номзоди қўйилган. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ бир неча бора такрорланган талабларга қарамай номзодларнинг ҳеч қайси бири учраша олмади.

Амалдаги президент жиддий бир муҳолифатга дуч келмади. Ҳар бир номзоднинг платформаси аҳолининг аниқ бир сегментига қаратилган бўлиб, мақсад этилган сайловчилар гурухининг манфаатларига бирламчи ургу беради. Буларнинг ичига Кетмоновнинг ижтимоий ҳимояси, Саидовнинг миллий қадриятлари ва анъаналари, ҳамда Умаровнинг суд соҳасидаги ислоҳотлари киради. Президент Каримовнинг ваколатли вакиллари шу пайтгача эришилган барқарорлик, ҳавфсизлик ва гуллаб-яшнаш афзалликларига асосий эътиборни қаратдилар. Амалдаги президент бошқа номзодлар ва партиялар вакиллари томонидан ташвиқотнинг асосий қисми давомида президентликка энг мақбул номзод сифатида тавсифланди ва улардан ҳеч қайси бири амалдаги президентнинг сиёсати ва эришган натижаларини шубаҳа остига қўймади Амалдаги президентнинг шахсияти тинчлик ва барқарорликнинг эътироозсиз кафолати сифатида сиёсий майдонда устунлик қилиб, жонсиз ташвиқот тадбирларини ўз соясида қолдириди.

Ташвиқот ўтказилаётганлигининг ягона кўзга кўринадиган белгилари номзодлар тўғрисидаги эълон тахталари ва кам сонли плакатлар бўлди. Ташвиқот тадбирлари кўпроқ барча номзодларга нисбатан тенг муносабатда бўлиш, жумладан ахборот воситаларидағи бепул эфир вақтидан ва майдондан фойдаланиш ҳамда учрашувлар ўтказиш борасидаги Президент сайлови тўғрисидаги қонуннинг низомларига амал қилиш шартига асосланди. Гарчи сайловолди ташвиқот ўтказишнинг турлари, шакллари ва усуслари бўйича белгиланган қоидалар бўлмаса-да, барча ташвиқот материаллари ва усуслари бир-бирига таажжубли равишда ўхшаш бўлди. Мазкур шароитда ҳамда сиёсий баҳс-мунозаралар ёки ҳақиқий рақобат йўқ бўлган мухитда ташвиқот тадбирлари амалдаги президент атрофида марказлаштирилган жараён учун орқа фон сифатида хизмат қилди. Уч нафар номзоднинг шахсиятларини самарали равишда хиралаштириди ва амалдаги президентга муносиб рақиб бўлмаганга ўхшайди.

30 бир миқдори асосида сайловдан четлатишга рухсат беради, ҳатто қолган имзолар қонундаги талабларга жавоб бериши учун етарли бўлса ҳам.

2007 йилда Олий Мажлис Парламенти қуи (Қонунчилик) палатасининг Спикери “Адолат” СДП номидан тўрт номзоднинг бири бўлган.

Норозилик фикрини ифода этиш усули сифатида инсон ҳуқуқлари фаоллари ва сургундаги мухолифатга тегишли шахслар Интернет тармоғида 12 нафар номзод ўртасида виртуал президент сайлови уюштирилар ҳамда ушбу номзодлар ичига расмий рўйхатга олинган 3 нафар номзодни ҳам киритдилар, амалдаги президентни эса киритмадилар.<sup>31</sup> Мамлакатдаги инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари чекловлар муҳитида фаолият юритмоқдалар<sup>32</sup> ва тазиикларга учрамоқдалар,<sup>33</sup> бир қатор инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро ташкилотларга ишларини давом эттириш ҳуқуқи ҳанузгача таъкилаб қўйилган<sup>34</sup>. Рўйхатдан ўтмаган фуқаролик жамияти ҳаракати ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотга кўра, улар ЎзЛиДеп томонидан амалдаги президент номзодини қўйиш конституцияга тўғри кемаслиги борасида эътиroz билдирилар ҳамда мазкур шикоятлари бўйича Олий Суддан жавоб келмагани юзасидан тинч норозилик намойишини ўтказмоқчи бўлдилар. Аммо ушбу норозилик намойиши ташкиллаштириш учун уларга рухсат берилмагани муносабати билан ундан воз кечишига мажбур бўлдилар, акс ҳолда энг кам ойлик иш ҳақининг 60дан 80 бараваригача жарима тўлашлари ёки 15 кунлик муддатга қамоқ жазосига ҳукм қилинишлари мумкин эди.<sup>35</sup>

*Уюшии эркинлиги ҳуқуқини чекловчи қонундаги номутаносиб ёки таҳқирловчи чекловлар бекор қилиншии керак. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотларнинг фаолияти юзасидан қўйилган чекловлар ҳам қайта кўриб чиқилишии керак ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ва ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 9.3 ва 10.3-бандлари билан мослаштирии учун тузатишлар киритилиши лозим.*

*Сайлов жараёнининг барча субъектлари сайлов жараёни давомида, жумладан сайловдан олдинги ва сайловдан кейинги даврларда, ҳибсга олиншии хатарисиз йигилиши ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак.*

Ахборот берилишича, барча тўрт нафар номзод 14та сайлов округларининг ҳар бирида халқ билан шахсан биттадан учрашув ўтказдилар, уларнинг ваколатли вакиллари эса ҳар бир сайлов

<sup>31</sup> Виртуал сайловолди ташвиқоти бир неча бора хакерлик ҳужумига учради ва ташкилотчилар охир-окибат уни 27 март куни ёпиб қўйишга мажбур бўлдилар.

<sup>32</sup> Инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари холати бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг (БМТ) Махсус хисботчиси Маргарет Секажия (Margaret Sekaggya) 2014 йилда берган ҳисботида “инсон ҳуқуқлари ҳимоячилариға нисбатан, жумладан журналистларга ҳам, уларнинг фаолияти билан боғлиқ сабабларга кўра доимий тажовуз, ҳибсга олиш ва таъқиб қилиш холатларига доир ишончли ҳисботлар ва хабарлар” борасидаги ўзининг ташвишини билдири. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича қўмитаси ҳам аввалроқ “ўз касбий вазифаларини ижро этганларни учун қамоққа олинган, босқинга ва тажовуз учраган, ёки таҳдидга учраган мустакил нодавлат ташкилотлар (НДТ) вакиллари, журналистлар ва инсон ҳуқуқлари ҳимоячилари” борасидаги ўз ташвишларини ифода этган.

<sup>33</sup> Рўйхатдан ўтмаган Ўзбекистон Инсон ҳуқуқлари альянси фуқаролик жамияти ҳаракатининг бир аъзоси 3 март куни, бир кун аввал ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ билан ўтказилган учрашувдан сўнг йўқолиб колди. 11 март куни у руҳий касалликлар шифохонасида топилди.

<sup>34</sup> “Хьюман Райтс Вотч” (Human Rights Watch) номли халқаро нодавлат ташкилот 2011 йилда унинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ёпилганидан бўён ҳанузгача уни қайта очиш ҳаракатида.

<sup>35</sup> 100 нафардан ортиқ катнашчилар иштирокидаги оммавий тадбирлардан ташқари ҳар хил турдаги йигинларни ўтказиш бўйича конунчилик мавжуд бўлмаган шароитда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс йигилишлар, митинглар, кўчалар бўйлаб юриш ва намойишларни ўтказиш тартибини бузганлик учун ҳаддан ташқари катта жарима белгилаган, бу эса ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 9.2-бандига зид равища йигилиш эркинлиги ҳуқуқини амалга тадбиқ қилишга тўсқинлик қиласди.

округида 12тагача учрашувларда уларнинг номларидан чиқиши қилдилар. Ҳар бир номзод 14 нафар ваколатли вакилга эга бўлиб, амалдаги президент ва Кетмоновнинг вакиллари ичида 2 нафари хотин-қизлардан иборат бўлди, Саидов вакиллари ичида 3 нафари ва Умаров вакиллари ичида 4 нафари хотин-қизлар бўлди. Умумий хисобда, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ Кетмонов, Саидов ва Умаров шахсан ўзлари ўтказган ёки уларнинг номларидан ўтказилган 19та бундай учрашувларга ташриф буюрди. Қатор талабларга қарамай, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга амалдаги президент шахсан ўтказган учрашувларга кириш учун рухсат берилмади ва унинг ваколатли вакиллари томонидан ўтказилган бта учрашувга ташриф этилди.<sup>36</sup> Гарчи номзодлар билан ўтказиладиган учрашувлар ҳакида, қонунчиликда белгиланган талабларга зид равишда, олдиндан ахборот воситаларида эълон берилмаган бўлса-да, учрашув жойларидағи ўринларнинг барчаси аниқ микдори бўйича тўлдирилган эди.<sup>37</sup> Кузатилган учрашувларнинг кўпчилиги бир хил тарзда ўтказилди.<sup>38</sup> Гарчи хотин-қизларнинг ташқиқот тадбирларидаги иштироки партияга қараб сезиларли даражада фарқ қилган бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ ташриф этган ташвиқот тадбирларида улар иштирокчиларнинг ярмидан кўпини ташкил қилдилар.<sup>39</sup>

## IX. САЙЛОВОЛДИ ТАШВИҚОТНИ МОЛИЯЛАШТИРИШ

Гарчи ташвиқот тадбирлари тўлиқлигича давлат томонидан молиялаштирилган бўлса-да, сайловолди ташвиқотни молиялаштириш бўйича ҳукуқий-меъёрий асос атрофлича эмас. Сиёсий партияларни молиялаштириш тўғрисидаги қонунда фақат парламент сайловларига тегишли низомлар мавжуд бўлиб, президент сайлови доирасидаги ташвиқот тадбирларини маблағ билан таъминлаш Президент сайлови тўғрисидаги қонун ичидағи бир модда ва МСК қоидаларидағи икки банд асосида тартиблаштирилади.

Партияларнинг ҳар бири сайловолди ташвиқот тадбирлари учун давлат бюджетидан 842 миллион сўм (тахминан 327 000 евро) микдорида маблағ олдилар.<sup>40</sup> Бундан ташқари номзодлар учрашув жойларидан бепул фойдаланиш, давлат ахборот воситаларидаги бепул эфир вақти

<sup>36</sup> 11 март куни Фаргона ўтказилган учрашув ҳамда 16 ва 17 март кунлари Тошкент вилояти ва шаҳрида ўтказилган учрашувлар.

<sup>37</sup> ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувларига кўра қишлоқ худудлардаги учрашувларда тахминан 100 нафар шахс қатнашган, шаҳар жойларда ваколатли вакиллар билан учрашувларга 200 нафар одам ва номзодларнинг ўзлари билан учрашувларга кўпроқ сондаги қатнашчилар тўпланди. Аксар ҳолатларда қатнашчилар ўрта ёшли ва қариялардан ташкил топган бўлса-да, бир ҳолатда ваколатли вакил билан учрашув педагогик колледжа ташкил этилди ва қатнашчиларнинг 80 фоизи талабалар ва мактаб ўқитувчиларидан таркиб топди (Урганч, 26 март).

<sup>38</sup> Ваколатли вакиллар билан учрашувларда одатда ОСК томонидан кириш сўзи айтилганидан сўнг номзоднинг таржима холи ва дастури ваколатли вакил томонидан тақдим этилди. Баъзи ҳолатларда туман ва вилоят кенгашларига сайланган расмийлар ваколатли вакилларни кўллаб-куватлаш учун учрашувларга ташриф буюрдилар.

<sup>39</sup> ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ УМКлар қайд қилишича, “Миллий тикланиш” партияси томонидан ўтказилган учрашувларда хотин-қизлар умумий қатнашчиларнинг 39 фоизини ташкил қилди, ЎзЛиДеп учрашувларида улар 43 фоиз атрофида, ХДП учрашувларида 60 фоиз атрофида ва “Адолат” СДП учрашувларида 70 фоиз атрофида бўлдилар.

<sup>40</sup> Қонунчиликда экстимолий ҳаражатларнинг тўлиқ рўйхати кўрсатилгандир: ташвиқот материалларини чоп этиш, номзод дастурларини тарғиб қилиш, номзоднинг ахборот воситаларида кўринишини уюштириш, номзод учрашувларини ташкиллаштириш, сайлов округларида ваколатли вакиллар ва бошқа партия фаолларининг ишини ташкиллаштириш.

ҳамда МСК томонидан тайёрланган бир хил шаклдаги номзодлар плакатлари кўринишларида билвосита ёрдам олдилар.

Президент сайлови тўғрисидаги қонун номзодлар учун молиялаштиришнинг ўзга манбалари ёки бошқа моддий ёрдам турларини таъқиқгандир. Қонун сиёсий партиялар, ташкилотлар ва фуқаролардан ёрдам тариқасида ихтиёрий пул тўловларини қабул қилишга рухсат берган бўлса ҳам, улар МСК орқали ўтказилиши керак. Маблағлар номзодлар ўртасида тенг тақсимланиши кераклиги инобатга олинадиган бўлса, бундай низом хусусий ҳомийдан нафақат унинг ўзи афзал билган номзодга, балки ушбу номзоднинг рақибларига ҳам ёрдам кўрсатишни самарали равишда талаб қиласди.<sup>41</sup> Шундай бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга бу каби ёрдам маблағлари келиб тушмагани ҳақида маълумот берилди ва барча сиёсий партиялар давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг етарли эканлиги ҳақида баёнот бердилар. Сиёсий партиялар олдига сайловга доир молиявий ҳисоботларни топшириш талаби қўйилмаган, шунингдек, сайловдан аввал ёки кейин бирон-бир молиявий ахборотни чоп этиш мажбурияти ҳам йўқ. Партияларнинг умумий молиявий ҳисоботларини чоп этиш ва парламентнинг қутий палатасига тақдим этиш бўйича талаб мавжуд. Навбатдаги ҳисоботлар 2016 йилнинг март ойида топширилиши керак.<sup>42</sup>

*Сайлов жараёнининг ҳисобдорлиги ва очиқлиги тамойилларига риоя этишини таъминлаш мақсадида сайловолди ташвиқотнинг молиялаштирилишини тартиблаштирувчи ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қайта қўриб чиқилиши керак. Киритилиши мумкин бўлган тузатишлар партияларнинг умумий ҳисоботини ва сайловолди ташвиқоти учун ажратилган молиялар бўйича ҳисоботни тартиблаштирувчи қоидаларни бир-биридан ажратиб бериши, шунингдек давлат ва хусусий молиялаштириши, сайловолди ташвиқотга ҳисса қўшиши ва ташвиқот ҳаражатлари, ташвиқот бўйича молиявий ҳисобот ва уни очиши, назорат ва кузатув бўйича низомларни аниқлаштириб бериши мумкин.*

## X. ОАВ

### A ОАВ муҳити

Телевидение сиёсий ахборотнинг бирламчи манбасидир, ундан сўнг қишлоқ ҳудудларида кўпроқ оммабоп бўлган радио келади. Аввалги президент сайловидан буён ижтимоий платформалар босма матбуотга таққослаганда кўпроқ кўзга ташланиб қолди. Матбуот ва Ахборот Агентлиги (МАА) ҳисоботига кўра мамлакатда 1 392та оммавий ахборот воситалари мавжуд бўлиб, уларнинг 79 фоизи хусусий мулкдир. Шу билан бирга, давлатга тегишли Миллий

<sup>41</sup> Мисол учун, Сиёсий партиялар фаолиятини тартиблаштириш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ ва Венеция комиссияси йўриқномаларининг 77-бандида “сиёсий партияларни молиялаштириш сиёсий иштирок шаклидир” ҳамда “тегишли қонунчилик томонидан таъқиқланган молиялаштириш манбаларидан ташқари барча шахслар молиявий ёки моддий кўринишда ўз хиссаларини қўшиш орқали ўзлари танлаган партияни эркин кўллаб-куватлаш ҳуқуқига эга бўлишлари керак” дейилган.

<sup>42</sup> Кузатув даври мобайнида сиёсий партиялар ўзларининг 2014 йил учун ҳисоботларини тегишли молиявий бошқарув органларига топширдилар ҳамда парламентнинг Қонунчилик палатасига тақдим килдилар. Сиёсий партиялардан шунингдек ўз ҳисоботларини чоп этиш кутилган эди. Шундай бўлса-да, бир неча газеталарда ҳисоботларнинг парламентга тақдим этилишини маълум қилувчи кичик мақолалардан ташқари хеч қандай қўшимча ахборот оммага тақдим этилмади.

телерадиокомпания (МТРК), бутун республика бўйлаб тарқалган ягона оммавий ахборот воситаси сифатида бозорда устунлик қиласди.<sup>43</sup>

Асосий оқимдаги ОАВлар мазмун ва услуг жиҳатидан кўпроқ тантанавор бўлиши билан бирга, кўплаб маҳаллий ва халқаро янгилик веб-сайтларига кириш тўсиб қўйилгандир. Умуман олганда, ОАВ муҳити мавжуд муқобил фикрлар ҳақида маълумот олиш учун фойдали эмас. Ҳақиқий ва кўп фикрлийк тамойилларига асосланган сиёсий баҳс-мунозараларнинг йўқлиги, шунингдек маълумот алмашиш учун имконият мавжуд эмаслиги сайловчиларнинг маълумотларга таянган холда танловни амалга ошириш имкониятларини камайтириди.

## B Ҳуқуқий-меъёрий АСОС

ОАВ бўйича ҳуқуқий-меъёрий асос соҳа шартларини ва журналистлар учун ахборот бериш андазаларини белгилаб берувчи Конституция ва бир неча қонунлар ўртасида ёйилгандир.<sup>44</sup> Бундан ташқари, кенг кўламдаги мавзулар бўйича президент фармонлари, биринчи навбатда НТРК томонидан телевизион каналларини ташкил қилиш ҳақидаги, асосий қонунчиликни тўлдириб келади.

Конституция ифода эркинлигини таъминлайди, аммо у шунингдек ОАВларни, хусусан журналистларни, тарқатилаётган ахборотнинг “ишончлилиги” борасида жавобгар қиласди. Бундан ташқари, асосий қонунчилик ахборот бериш эркинлигига нисбатан қаттиқ чегаралар белгилаган.<sup>45</sup> Ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказишни рад этиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш учун қўлланиладиган мужмал ифодаланган мезонлардан авваллари ўзбошимчалик билан фойдаланилган.<sup>46</sup> Шунингдек, МАА ахборот воситаларини рўйхатдан ўтказиш ваколатига эга ва уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиши ҳам. У фақатгина ҳукумат назорати остида фаолият юритиб, оммавий ахборот воситалари устидан давлат назоратини беради, бу эса ифода эркинлиги борасидаги ЕХХТ мажбуриятлари ва бошқа тегишли халқаро андазаларга тўғри келмайди.<sup>47</sup>

*Оммавий ахборот воситаларини тартиблаштирувчи қонунчилик ҳужжатлари синковлик билан қайта кўриб чиқилиши лозим ва барча масалаларни қамраб олган ягона қонунда бирлаштирилиши мумкин. Умуман олганда, ҳуқуқий-меъёрий асос чинаккам мустакил*

<sup>43</sup> МТРКда бутун республика бўйлаб узатиладиган 13та теле ва радиоканаллар ҳамда вилоят даражасида теле ва радиодастурларини таклиф қилувчи 12та вилоят каналлари мавжуддир.

<sup>44</sup> Буларнинг ичига бошқалар каторида Оммавий ахборот воситалари тўғрисидаги қонун; Ахборотлаштириш тўғрисидаги қонун; Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун; ҳамда Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятининг очиқлиги тўғрисидаги қонун киради.

<sup>45</sup> “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонуннинг 6-моддасида бошқалар каторида “қонунга мувофиқ жинонӣ ва ўзга жавобгарликка сабаб бўладиган бошка ҳаракатларни содир этиш” кенг тарзда таъкидланган.

<sup>46</sup> “Оммавий ахборотвоситалари тўғрисида”ги қонуннинг 22-моддасида “оммавий ахборот воситасининг мақсад ва вазифалари қонун ҳужжатларига зид бўлса” уни рўйхатдан ўтказиш рад этилиши белгиланган.

<sup>47</sup> 1997 йилда Копенгагенда қабул қилинган Вазирлар кенгаси ҳужжатида ЕХХТ иштирокчи давлатлари “эркин, мустакил ва кўп фикрлийкка асосланган ахборот воситалари эркин ва очик жамият ҳамда ҳукуматнинг ҳисобдорлик тизимлари учун ўта муҳимдир” деб таъкидлаганлар. БМТИҲҚ томонидан ФСҲТҲПнинг 25-моддасига берилган 25-сонли Умумий изоҳда “25-модда билан ҳимоя қилинган ҳукуклардан тўлаконли фойдаланишни таъминлаш учун фуқаролар, номзодлар ва сайланган вакиллар ўртасида давлат ва сиёсий масалалар ҳақида эркин ахборот ва фикр алмашиш ўта муҳимдир” дейилган.

*тарибилашибиравчи органни таъминлаши ҳамда ахборот воситаларини рўйхатга олиш ёки уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйши бўйича мукаммал ва аниқ мезонларни белгилаб берииши керак.*

Жиноят кодекси танқидни тухматга тенглаштирган бўлиб, мазкур жиноят беш йилгача қамоқ муддати билан жазоланади. Шунингдек, номзодларни қораловчи сохта маълумотларни тарқатиш ҳам Президент сайлови тўғрисидаги қонун доирасида хуқуқбузарлик бўлиши мумкин.<sup>48</sup> Ушбу низомлар ахборот воситаларидағи фикр хилма-хиллигига тўсиқлик қиласди ҳамда, ЕХХТ мажбуриятлари ва Фуқаролик ва сиёсий хуқуклар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига тўғри келмайди.<sup>49</sup> Улар шунингдек ўз-ўзини цензура қилишга, хусусан таҳририят даражасида, олиб келади.

*Эркин ташвиқот муҳитини яратиш ҳамда демократик сайловларни ўтказиши учун муҳим бўлган асосий эркинликларга тўла-тўқис риоя этилишини таъминлаш мақсадида ифода эркинлигига қўйилган асоссиз чекловлар хуқуқий-меъёрий ҳужжатлардан олиб ташланиши керак. Қоралаши ва ёлғон маълумотларни тарқатиш учун жиноий жавобгарлик ўрнига асосли ва мутаносиб фуқаролик жавобгарлигини жорий қилиши мақсадида хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши керак.*

## C ЕХХТ/ДИИХБ ТОМОНИДАН ОАВ МОНИТОРИНГИ

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ оммавий ахборот воситаларининг атрофлича кузатувини амалга ошириди.<sup>50</sup> У шуни кўрсатдики, давлат тасарруфидаги ахборот воситалари қонунда белгиланганлигига мувофиқ номзодларга етарли даражада бепул эфир вақти ва нашр майдонини ажратиб бердилар.<sup>51</sup> Барча номзодлар газеталарда ажратиб берилган бепул майдонлардан фойдаландилар, шу билан бирга амалдаги президент республика бўйлаб фаолият кўрсатадиган миллий телевидениедаги бепул эфир вақтидан фойдаланмади.<sup>52</sup> Бепул реклама эфирга узатувчи ахборот воситалари томонидан аниқ ажратиб кўрсатилмади. Шунингдек унга танқидий таҳлил ёки таҳририят изоҳлари берилмади. Номзодлар фаолиятини ёритувчи барча кўрсатувлар ижобий

<sup>48</sup> Жиноят кодексининг 139 (туҳмат) ва 140 (ҳақорат) моддалари ҳам журналистларга нисбатан қўлланилиши мумкин.

<sup>49</sup> ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 9.1-бандида “барча ифода этиш эркинлиги, жумладан алоқа қилиш хукуқига эга. Ушбу хуқуқ ичига ўз фикрини ёқламоқ ҳамда давлат органлари томонидан аралашувсиз ва чегараларсиз ахборот ва гояларни қабул қилиб олиш ва тарқатиш киради. Мазкур хукуқни амалга ошириш фақатгина қонун билан белгиланган ва халқаро андазаларга мос келувчи чекловлар билан чегараланиши мумкин” дейилган. БМТИҲҚ томонидан Фуқаролик ва сиёсий хукуқлар тўғрисидаги халқаро пактнинг 19-моддасига берилган 34-сонли Умумий изоҳнинг 34-бандида “эркин, цензура қилинмайдиган ва тўсиққа учрамайдиган матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситалари фикр ва ифода эркинлигини ҳамда бошқа конвенция хукукларидан фойдаланишни таъминлаш учун хар кандай жамиятда муҳимдир” дейилган.

<sup>50</sup> 25 февралдан 29 марта қадар ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ 13та оммавий ахборот воситалари намуналарини кузатиб борди: Ўзбекистон, Ёшлар, Тошкент ва УзРепорт телеканаллари; Ўзбекистон радиоканали; Народное слово, Правда Востока ва Халқ Сўзи, Адолат, Миллий Тикланиш, Ўзбекистон Овози, Даракчи ва XXI аср газеталари.

<sup>51</sup> Давлат тасарруфидаги республика бўйлаб эфирга узатадиган телеканалар номзодларга умумий ҳисобда 15 соат вақт ажратдилар, ҳар бир вилоят телеканали эса уларга умумий равишда 3 соатдан вақт ажратдилар. Давлат тасарруфидаги миллий ва вилоят газеталари тегишли равишда 10 ва 5 сахифадан майдон ажратдилар.

<sup>52</sup> 26 март куни Президент Каримов “Тошкент” телеканалидаги бепул эфир вақтидан фойдаланди .

(телевидение ва радиода 54 фоиз ҳамда матбуотда 79 фоиз) ёки нейтрал (телевидение ва радиода 46 фоиз ҳамда матбуотда 21 фоиз) руҳда бўлди.

Қаттиқ чеклов остига олинган ахборот воситалари фикрлар хилма-хиллиги ифода этилган ҳақиқий сиёсий баҳс-мунозаларни таъминлаб бермади. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ мониторинги шуни кўрсатдики, умуман олганда, давлат ва хусусий телеканалларнинг тифиз пайтдаги кўрсатувларининг тегишли равища 11 ва 5 фоизи сиёсий масалаларни тақдим этишга бағишиланди. Мазкур вактдан асосан олдиндан ёзиб олинган бепул рекламани ҳамда сайловчилар учун эслатмаларни эфирга узатиш учун фойдаланилди. Бир кунда ўртача ҳисобда тўккиз дақиқа ҳар бир телеканал томонидан хозирги кундаги воқеаларга бағишиланган кўрсатувлар ва янгилик дастурларида сиёсий масалаларга ажратилди. Ушбу эфир вақтининг 23-59 фоизи турли телеканаллар томонидан амалдаги президентнинг институциявий фаолиятини ёритишига бағишиланниб, очик-ойдин равища унга афзаллик берилди.<sup>53</sup> Хозирги кун воқеаларига бағишиланган кўрсатувларнинг ҳеч қайсииси миллий байрам муносабати билан ҳар йилги табрик нутқини сўзлаган президентдан ташқари бирон-бир номзоднинг тўғридан-тўғри нутқини эфирга узатмади. Бунинг натижасида сайловчилар ажратилган бепул реклама вақтидан ташқаридан бошқа номзодларни тинглаш имкониятидан маҳрум бўлдилар. Мониторинг ўтказилган телеканалларнинг барчасидаги янгилик дастурларида номзодлар ҳаммаси тенг равища ва бир хил усулда ёритилдилар.<sup>54</sup> Ташвиқот тадбирлари давомида номзодлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари ўртасида ошкор баҳс-мунозаралар ўтказилмади.

Матбуот нашрлари томонидан тақдим этилган сайлов масалаларига бағишиланган ахборот муқобил шаклларни таклиф этмади. Гарчи давлат тасарруфидаги газеталар тўрт номзодни тенг равища ёритган бўлсалар-да, улар ҳам телевидение каби нашр майдонининг салмоқли қисмини амалдаги президентга институциявий салоҳияти доирасида бағишилади.<sup>55</sup> Бундан ташқари, амалдаги президент суратлари давлат тасарруфидаги газеталарда чоп этилган таҳририят материалларида асосий ўринни эгаллади.<sup>56</sup> Хусусий “Даракчи” газетаси ўз саҳифаларидағи сайловга оид масалаларга бағишиланган икки фоизга яқин нашр майдонида номзодларни тенг равища ёритишига ҳаракат қилди. Партиялар тасарруфидаги газеталар факат ўз номзодлари ҳақида материал бердилар. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ муаммоларни очишга қаратилган таҳририят мақолалари ёки таҳлилий ҳисботлар ёки номзодлар платформаларини қиёслаш каби материаларни кузатмади.

<sup>53</sup> Мониторинг ўтказилган давр мобайнida “УзРепорт ТВ” канали ўзининг хозирги кун воқеалари ва янгиликларга бағишиланган эфир вақтининг 54 фоизини амалдаги президентга унинг институциявий лаёқати доирасида бағишилади, “Тошкент” канали – 49 фоизни, “Ўзбекистон” канали – 29 фоизни, “Ёшлар” канали эса 23 фоизни бағишиладилар. Мазкур кўрсатувларнинг барчаси ижобий (15 фоиз) ёки нейтрал (85 фоиз) руҳда бўлди.

<sup>54</sup> Мониторинг ўтказилган телеканалларнинг кўпчилиги тасдиқлашича, барча номзодлар ҳақидаги янгилик кўрсатувлари олдиндан тайёрлаб қўйилган бўлиб, МСКнинг имкониятлардан тенг фойдаланиш бўйича коидасини бузмаслик мақсадида яхлит бўлимларда эфирга узатилди .

<sup>55</sup> Мониторинг ўтказилган давр мобайнida “Правда Востока”, “Народное слово” ва “Халқ сўзи” газеталари сайлов масалаларига бағишиланган саҳифаларининг 44, 28 ва 27 фоиз майдонини тегишли равища амалдаги президентга унинг институциявий лаёқати доирасида бағишилади. Мазкур материалларнинг барчаси ижобий (32 фоиз) ёки нейтрал (68 фоиз) руҳда бўлди.

<sup>56</sup> Давлат тасарруфидаги “Правда Востока”, “Народное слово” ва “Халқ сўзи” газеталарида чоп этилган барча суратлар орасида 44, 42 ва 33 фоизи тегишли равища Президент Каримовнинг тасвири бўлган.

Кўп ҳисобда, партияларнинг хотин-қиз фаоллари ва ваколатли вакилалари оммавий ахборот воситалари майдонида етарли даражада тақдим этилмадилар. Умуммиллий даражада фаолият юритувчи давлат теле ва радиоканаллари энг тифиз вактда эфирга узатадиган дастурларининг факат тўрт фоизини партиявий вакилаларга бағишиладилар.<sup>57</sup> Бундан ташқари, давлат тасарруфидаги “Народное слово” ва “Правда Востока” газеталари сайловга бағишиланган ўз материалларида хотин-қизлар орасидаги фаолларни ёритмадилар.<sup>58</sup> Ягона истисно пойтахтда эфирга чиқувчи «Тошкент» давлат телеканали бўлиб, у сайловга доир кўрсатувларнинг 14 фоизини хотин-қизларга бағишилади.

*Сиёсий жараёнда хотин-қизлар иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ахборот воситаларида ваколатли вакилалар ҳамда партиялардаги хотин-қиз фаолларга эфир вақтини бағишилаш каби кенг қамровли чоралар кўриб чиқилиши мумкин.*

Оммавий ахборот воситаларининг қоидаларга риоя этишини назорат қилиш ваколати марказий даражада МСКга ва вилоят даражаларида ОСКларга берилди. МСК риоя этишни назорат қилиш механизми мавжудлиги ҳақида баёновт берди. Шундай бўлса-да, бир неча бор берилган талабномаларга қарамай, ЕХХТ/ДИИҲБ СКЧМга ахборот воситаларини кузатиш жойига ташриф қилиш ёки маълумотларга кўра МСК тасарруфида мавжуд бўлган ахборот воситаларининг фаолияти ҳақидаги ҳисботлар билан танишиб чиқиш имконияти берилмади. Мазкур ҳисботлар МСК веб-сайтида ҳам чоп этилмади.<sup>59</sup>

## XI. ШИКОЯТЛАР ВА МУРОЖААТЛАР

Сайлов билан боғлиқ низоларни ҳал қилишнинг турли таркибий қисмлари ҳар хил қонунчилик ҳужжатлари томонидан бошқарилади, бу эса ҳуқуқий асоснинг очик-ойдинлигини чеклайди.<sup>60</sup> Умуман олганда, ҳуқуқий-меъёрий асос сайловга оид низоларни ҳал қилишнинг даражаларга асосланган тизимини белгилаб берган, яъни қуий даражадаги комиссия қарорлари юзасидан ундан юқори даражада турувчи комиссияга ёки судга мурожаат қилиш мумкин. Шу билан бирга, у шикоятлар ва мурожаатлар учун муддатлар бўйича атрофлича аниқлик киритмаган ёки ким шикоят топшириши мумкинлигини очик-ойдин кўрсатмаган. Бу эса 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.10-банди билан талаб қилинган ҳуқуқий

<sup>57</sup> “УзРепорт ТВ”, “Ёшлар” телеканаллари, “Ўзбекистон” радиоси ва “Ўзбекистон” телеканали тегишли равишда материалларининг тўққиз, тўрт, уч ва бир фоизини хотин-қизлар орасидаги сиёсий арбобларга бағишиладилар.

<sup>58</sup> Хотин-қизлар орасидаги сиёсий арбобларга бағишиланган материалларининг энг кўпি “Ўзбекистон овози”да жойлаштирилди – олти фоиз; кейинги ўринда икки фоиз билан “Халқ сўзи” ва “Дарракчи” туради; ҳамда бир фоиз улуш билан “Народное слово”, “Правда Востока”, “Адолат”, “Миллий тикланиш” ва “XXI аср” газеталари келади.

<sup>59</sup> 6 апрел куни МСК ОАВ мониторинги бўйича қисман натижаларни эълон қилди ва давлат телеканалларида амалдаги президентнинг институциявий фаолияти ёритилиши сабабли таҳририят материалларида унинг шахси устунлик қилганини тасдиқлади.

<sup>60</sup> 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ ҳужжатининг 5.10-бандида “ҳар бир шахс бошқарув органларининг қарорларига қарши эътиroz билдириш учун самарали воситаларга эга бўлиши керак” дейилган.

ҳимоянинг самарали воситасини таъминлаш учун тегишли асос яратиб беролмайди.<sup>61</sup> Фақат баъзи холатларда қонунчилик шикоятларни очиқ судларда эшишишни ва қарорларни чоп этишни белгилаб беради, ёки сайловга доир низоларни тегишли партиялар иштирокида кўриб чиқишини таъминлайди, бу эса жараён очиқлигини чеклайди. Ҳукуқий-месърий ҳужжатларда, яъни қонундан кўра кўпроқ МСК йўриқномаларида, УСКлар ва судлар томонидан сайловга тегишли шикоятларни кўриб чиқиш учун муддатлар белгилаб берилган, лекин ОСКлар ва МСК учун белгиланмаган.<sup>62</sup> Яхши тарафи, қонунчилик ҳужжатлари сайловчиларни рўйхатга олиш билан боғлиқ шикоятларнинг УСКлар томонидан кўриб чиқилиши бўйича аниқ тартибларни белгилаб беради ҳамда уларнинг қарорларини суд орқали қайта кўриб чиқиш имкониятини таъминлайди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ қайд этишича, сайловга доир низоларни ҳал қилиш борасида сайлов расмийларида билим бўлмаслиги билан бир қаторда, сайловчиларнинг хабардорлигини оширишга қаратилган материаллар ва кузатилган қуи даражадаги комиссиялар учун ўқув машғулотлари мазкур мавзуни қамраб олмадилар.

*Ҳар бир сайловчи, номзод ёки сиёсий партия учун сайлов жараёнининг ҳар қайси босқичида шикоят берииш ҳуқуқини таъминлаши, шикоятларни топшириши ва уларни кўриб чиқиши муддатларини аниқ кўрсатиш ҳамда шикоятларни кўриб чиқишида очиқлик ва омма томонидан эркин ахборот олиншини кафолатлаши мақсадида қонунчилик ҳужжатларига ўзгартиришилар киритилиши лозим. Ушбуларни қонун остидаги ҳужжатларда эмас, балки қонуннинг ўзида кўрсатишга эътиборни қаратиш мумкин.*

Прокурорлар номига ҳеч қандай қонунбузарликлар ҳақида хабар берилмагани сабабли сайловга доир низоларни ҳал этиш тизими кўп жиҳатдан текширилмай қолди. Сайлов даврида МСК томонидан 140дан ортиқ мурожаатлар қабул қилинди. Шу билан бирга, уларнинг фақат оз микдори сайловга тегишли бўлиб, аксар қисми МСК ваколатидан ташқарида бўлган, суд-хуқук тизимининг фаолияти ва коммунал соҳадаги муаммолар каби масалаларга оид эди. Шунинг учун улар Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ тегишли давлат идораларига юборилди. Уларнинг ҳеч бири омма эътиборига тақдим этилмади.

Февраль ва март ойларида ҳар бири уч нафар фуқаро томонидан қўллаб-куватланган икки шикоятда Президент Каримовнинг ЎзЛиДеп томонидан номзоди қўйилиши ҳамда МСКнинг уни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш бўйича қарори конституцияга зид келиши борасида эътироz билдирилди. Мазкур шикоятлар Конституциявий Судга, Бош Прокуратурага, Сенатга ва МСКга топширилди. Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги қонунга мувофиқ МСК мазкур шикоятни уни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлган органга (ушбу холатда Олий Судга) юбориши ҳамда шикоят берувчини бу ҳақда хабардор қилиши керак эди. Ушбу низомдан четга чиқсан холда, МСК шикоятни Бош Прокурорга юборди, у эса буни кўриб чиқиш ваколатига эга бўлмагани учун МСКга қайтариб юборди. МСК шикоятни иккинчи бора ҳам Олий Судга

<sup>61</sup> Президент сайлови тўғрисидаги қонун, МСК тўғрисидаги қонун, Сайлов ҳукукларининг кафолатлари тўғрисидаги қонун, Фуқаролик процессуал кодекс ҳамда УСКлар учун йўриқномалар бўйича МСК коидаларида шикоятлар тизими борасида баъзи низомлар мавжуд.

<sup>62</sup> УСКларга келиб тушган шикоятлар юзасидан қарор қабул қилиш учун беш кун берилган. Агар комиссия кўпроқ текширув ўтказиши керак бўлса, мазкур муддат ўн кунга узайтирилади. Сайлов куни топширилган шикоятлар дарҳол кўриб чиқилиши лозим. Судларга қарор қабул қилиш учун уч кун берилади, агар шикоят сайловдан сўнг олти кун ичida берилган бўлса қарор дарҳол қабул қилиниши керак .

юбормай, фақатгина шикоятчиларга унинг қарорлари юзасидан Олий Судга мурожаат қилиш мумкинлиги ҳақида маълумот берди.

Шундан кейин уч нафар фуқаро амалдаги президентни номзод сифатида рўйхатдан ўтказиш ҳақидаги МСК қарори юзасидан 6 март куни Олий судга аппеляция топширдилар. Расмий талабнома берилганидан сўнг, 2 апрель куни, Олий Суд МСК орқали ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга ҳеч қандай шикоят олмаганликлари ҳақида хабар берди. Конституциявий Суд шикоятни 3 март куни олди ва ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга хабар беришича шикоят қилувчиларга фақат сайлов кунидан кейин жавоб бериб, жавоб хатида уларнинг шикоятларида мавжуд расмий камчиликларни тушунтириб берди.<sup>63</sup> Шикоятларда кўтарилиган масалаларни ўз ташаббуси билан кўриб чиқиши бўйича суд ҳеч қандай харакатларни амалга оширмади.<sup>64</sup> Бу эса ЕХХТ доирасидаги мажбуриятларга зид равишда шикоятларни самарали ҳуқуқий ҳимоясиз қолдирди.<sup>65</sup> Умумий юрисдикциядаги барча судларнинг судьялари ҳар беш йилда президент томонидан тайинланади (Олий Суд учун эса номзодлари тавсия қилинади). Бу эса суд-ҳуқуқ тизимининг мустақиллиги ва холислиги борасида ташвиш ўйғотади.

*Судлар ва сайлов бошқарув органлари самарали жавоб берини кафолатлаш мақсадида ҳақиқий равшида, холисона ва очиқ тарзда фаолият юритишларини таъминлаш учун сиёсий иродга ва ҳуқуқий низомларга нисбатан ҳурмат зарур.*

## XII. МИЛЛИЙ КАМЧИЛИКНИ ТАШКИЛ ҚИЛУВЧИЛАР ИШТИРОКИ

Миллий камчиликни ташкил қилувчилар Конституция доирасида барча ҳуқуқлардан фойдаланадилар. Ўзбекистон ҳукумати ахборот беришича, республикада 130дан ортиқ 66 миллатлар рўйхатга олинган, улар орасида ўзбеклар кўпчилик 83 фоизни ташкил қилади.<sup>66</sup> Барча тўрт партиянинг парламентга сайланган вакиллари орасида миллий камчиликни ташкил қилувчи аъзолар ҳам бор.

130та миллат вакиллари учун ҳомий ташкилот сифатида фаолият юритувчи Халқаро маданият маркази ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга берган маълумотга кўра, миллий камчиликни ташкил қилувчиларнинг фуқаролик ҳуқуқлари борасидаги муаммолар бўйича улар сиёсий партияларга мурожаат қилмаганлар. Омбудсмен берган ахборотга мувофиқ мамлакатда юқори даражада бағрикенглик мавжуд ва яқин орада камситиш холатлари ҳақида хабарлар бўлмаган.

<sup>63</sup> Шикоят қилувчилар мазкур хатни умуман олмаганликларини даъво қилмоқдалар. Афсуски, Конституциявий Суд ўз жавобини ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга тақдим этмади.

<sup>64</sup> Конституциявий суд тўғрисидаги конуннинг 19-моддасига биноан, Конституциявий суднинг уч нафар судьяси ишни суд ҳукмига тақдим этиши мумкин, фуқаролар эса бундай ҳуқукка эга эмаслар. Конституциявий суд раиси ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга маълум қилишича, фуқаролар шикояти мазкур суд ваколатидаги масалаларни кўтарган вақтда судьялар бундай ишни кўриб чиқиши ва қарор қабул қилиш учун юритувга олишлари мумкин. Агар шикоят Конституциявий суд ваколатида бўлмаса, бу ҳақда Фуқаролар мурожаатлари тўғрисидаги конунда белгиланганидек ариза топширувчига шикоят келиб тушган санадан бошлаб бир ой ичida хабар берилиши керак.

<sup>65</sup> 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ЕХХТ хужжатининг 5.10-бандида “ҳар бир шахс бошқарув органларининг қарорларига қарши эътиroz билдириш учун самарали воситаларга эга бўлиши керак” дейилган.

<sup>66</sup> МСКга мувофиқ бошқа миллат гурухларига тожиклар (4,6 фоиз), руслар ва қозоклар (ҳар бирлари 2,6 фоиздан), қорақалпоқлар (2,2 фоиз), кирғизлар (0,9 фоиз) ва татарлар (0,7 фоиз) киради.

ЕХҲТ/ДИИҲБ СКЧМ сайловолди ташвиқот материаллари ўзбек ва рус тилларида бўлғанлигини кузатди. ЕХҲТ/ДИИҲБ СКЧМ сухбатдошлари ваколатли вакиллар билан ўтказилган учрашувларнинг асосий қисми ўзбек тилида бўлғанлигини, лекин эҳтиёж туғилганда рус тилидан ҳам эркин фойдаланилганлигини айтиб ўтдилар. Эълон тахталари ва плакатлар ўзбек ва рус тилларида 12 вилоят ва Тошкент шаҳри учун ҳамда қорақалпоқ тилида Қорақалпоғистон Республикаси учун тайёрланди. ХДП ўз партияйи газетасини рус ва ўзбек тилларида чоп этади. Президент сайлови тўғрисидаги қонунга биноан сайлов варакалари (бюллетенлар) ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида чоп этилди.

### **ХІІІ. ЖАМОАТЧИЛИК ВА ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР**

Қонунга мувофиқ сиёсий партиялар ўз вакилларини тавсия қилишлари мумкин, улар халқаро кузатувчилар каби барча сайлов комиссиялари йиғилишларида, шунингдек сайлов участкаларида овоз бериш ва овозларни ҳисоблаш жараённида ҳозир бўлишлари мумкин. Бундай вакиллар ОСКлар томонидан 14 марта аkkредитация қилинишлари керак. МСК берган маълумотга мувофиқ ОСКлар 35 747 нафар партияларнинг вакилларини аkkредитациядан ўтказдилар, улар ичида ЎзЛиДеп, Адолат партияси ва ХДПнинг ҳар биридан 9 003 нафар ҳамда Миллий тикланиш партиясидан 8 738 нафар вакиллар бор эди.

ЕХҲТ/ДИИҲБ аввалги тавсияларига қарамай, Президент сайлови тўғрисидаги қонун жамоатчилик томонидан кузатув олиб боришни таъминлаб бермаган, бу эса ЕХҲТ доирасидаги мажбуриятлар ва халқаро илғор тажрибага мос келмайди.<sup>67</sup> Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти (ФЖШМҚМИ) ЕХҲТ/ДИИҲБ СКЧМга берган маълумотларга кўра, қонунга мувофиқлигини текшириш учун у барча тўрт нафар номзоднинг ташвиқот тадбирларини мониторинг қилди ва уларнинг учрашувларини кузатди.<sup>68</sup>

ЕХҲТ/ДИИҲБ СКЧМдан ташқари МДҲ давлатлари, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Ислом ҳамкорлиги ташкилоти, Халқаро сайлов органлари уюшмаси ҳамда қатор хорижий сайлов комиссиялари ва Ўзбекистондаги дипломатик ваколатхоналардан вакиллар МСК томонидан аkkредитация қилиндилар. МСК берган маълумотга кўра 43 мамлакатдан келган 299 нафар халқаро кузатувчилар, жумладан хукумат таклифи билан келган ишбилиармонлар ва

<sup>67</sup> ЕХҲТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган хужжатининг 8-бандида аъзо давлатлар “хорижий ва маҳаллий кузатувчиларнинг мавжудлиги сайловлар бўлиб ўтаётган давлатлар учун сайлов жараёнини яхшилаши мумкинлигини ҳисобга оладилар” дейилган.” Шунингдек, мисол тарикасида қаранг, Венеция комиссиясининг Сайлов масалаларидағи яхши амалиёт кодексининг 3.2 бўлимида “Миллий ва халқаро кузатувчиларга сайловларни кузатиш жараённида иштирок этиш учун кўпроқ имконият бериш керак” дейилган.

<sup>68</sup> ФЖШМҚМИ 2003 йилда таълим ва ижтимоий соҳаларда фаолият юритувчи муассасалар томонидан ташкил топган бўлиб, 2010 йилдан буён Президент Каримовнинг “Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси” ижросига ёрдам бериб келмоқда. У давлат томонидан молиялаштириладиган ташкилот бўлиб, олинган натижалари ҳакида ҳокимиият органларига ҳисобот беради.

сиёсатчилар, аккредитация қилинди. Сайловга яқин вақт қолганида МСК халқаро кузатувчилар учун саёҳат ва бошқа қўнгилочар тадбирлардан иборат 10 кунлик дастур ташкил қилди.<sup>69</sup>

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга МСК ёки ОСКларнинг бевосита иштирокисиз институциявий ёки сиёсий арбоблар билан алоқа ўрнатиш эркинлиги берилмади. Бу эса ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ сұхбатдошлари эркин равишда мулоқот қилишлари учун тўсиқлик қилган бўлиши мумкин.

*Сайлов жараёнининг очиқлигини янада ошириши мақсадидага ҳеч бир партияга алоқадор бўлмаган фуқаролик кузатувини таъминлаш учун қонунчиликка ўзгартишилар киритиш лозим. Бундан ташқари, халқаро кузатувчилар учун сайлов жараёнининг барча субъектлари билан тўсиқсиз учрашиши имконияти яратилиши керак.*

#### XIV. САЙЛОВ КУНИ ВА НАТИЖАЛАРНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ

ЕХХТ/ДИИХБнинг СКЧМ бўйича андазавий услубиётига мувофиқ миссия сайлов кунидаги жараёнларни атрофлича ва тизимли равишда кузатиб бормади, аммо еттига туманда жойлашган муайян миқдордаги сайлов участкаларига ташриф буюрди. Овоз бериш давомида ташриф этилган сайлов участкаларининг деярли барчасида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари сайловчилар рўйхатларида бир-бирига жуда ўхшаш имзоларнинг кўп маротаба тўп-тўп бўлиб келганлигини, шунингдек бир неча шахслар номидан овоз бериш холатларини қайд этдилар, бу эса овоз бериш ҳуқуқи тенглиги тамойилига зид келади.<sup>70</sup>

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари шунингдек сайловчиларнинг шахси ҳар доим ҳам текширилмагани ҳақида ҳисобот бердилар. Ташриф этилган сайлов участкаларидаги ходимлар овоз бериш бўйича процессуал ва ҳуқуқий талабларнинг кўпчилигидан, хусусан бошқа шахслар номидан овоз беришни аниқ таъқиқловчиларидан, хабардор кўринди. Мазкур низомларни эътиборга олмаслик МСК томонидан 91,08 фоиз деб ҳисобот берилган овоз беришда қатнашган сайловчиларнинг умумий сонига таъсир қилган бўлиши мумкин. Қонунчилик ҳужжатлари ва МСК йўриқномалари бошқалар номидан овоз бериш мумкин эмаслигини аниқ белгилаб берган ва гарчи сайловчилар бу каби амалиёт қонунга зид келиши ҳақида билмасалар ҳам, қонун мазкур амалиётни тугатиш бўйича масъулиятни сайлов бошқарув органлари, хусусан участка сайлов комиссиялари зиммасига юклагандир.

<sup>69</sup> Баъзи халқаро кузатувчилар ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга маълум қилишича, уларнинг ҳаражатлари, жумладан авиачипта ва яшаш сарф-ҳаражатлари, Ўзбекистон ҳукумати томонидан тўланди. Бу президент сайловида иштирок этувчи бошқа давлатлардан, халқаро ташкилотлар ва ҳаракатлардан келган кузатувчилар бўйича МСК йўриқномасининг 12-моддасига зид келиб, унда “кузатувчиларнинг фаолиятларини молиялаштириш ва ташкилий кўллаб-кувватлаш улар вакил бўлиб келган давлат, халқаро ташкилот ёки ҳаракатлар томонидан амалга оширилади”.

<sup>70</sup> ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.3-бандида ЕХХТ иштирокчи давлатлар зиммасига “балогатга етган фуқаролар учун умумий ва тенг овоз бериш ҳукукини кафолатлаш”ни юклаган. ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган ҳужжатининг 7.4-бандида эса ЕХХТ иштирокчи давлатлар зиммасига “овозлар махфий тарзда ёки шунга тенг эркин овоз бериши тартибида берилишини кафолатлаш” юклаган. Шунингдек қаранг: БМТ Инсон ҳукуклари умумжаҳон декларациясининг 21.3-моддаси ҳамда ФСХТХПнинг 25(b)-моддаси.

Бошқалар номидан ва кўп маротаба овоз берииш бўйича кенг тарқалган ва турғун амалиётларга барҳам берииш учун сиёсий иродада керак. Айбдорлар, жумладан бу каби амалиётларда шитирок этувчи ёки шунга йўл қўювчи сайлов комиссияси аъзолари, жавобгарликка тортимиши керак.

Сайлов участкаларининг аъзолари очик тарзда фаолият юритдилар ва ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари жойларга кириш учун тўлиқ имконият бердилар. Шу билан бирга, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчиларининг мавжудлиги УСК аъзоларининг хатти-ҳаракатларига таъсир кўрсатган кўринади, чунки улар, баъзи холатларда, бир шахсга бир неча бюллетенларни бериш амалиётини тўхтатдилар ёки шахсни аниқлаштирувчи бир неча хужжат кўтариб келган сайловчиларни оркга қайтариб юборишини бошладилар. Партиялар вакиллари ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпчилигига хозир бўлдилар ва бошқа шахслар номидан овоз берииш ҳамда бошқа бузилишларга қаршилик кўрсатмадилар. Партиялар деярли барча сайлов участкаларига ўз вакилларини юборишлари ҳақида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМга хабар берган эдилар: шундай бўлса-да, ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпчилигига партия вакилларининг чекланган ададини қайд этдилар.

Ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпчилигига ваколатга эга бўлмаган шахслар мавжуд бўлди. Булар аксар холатларда сайлов участкалари жойлашган муассасаларнинг кўнгилли ходимлари ёки маҳалла қўмиталари вакиллари эди. Бундай шахслар кўпинча УСК аъзолари зиммасига юклатилган вазифаларни бажардилар, жумладан сайловга доир маҳфий материаллар билан ишладилар, УСКлар эса уларни назорат қилдилар ёки бошқа вазифаларни бажардилар. Ушбу амалиёт сайлов тўғрисидаги конунга ва УСК расмийлари зиммасига сайловларни ташкиллаштириш бўйича мажбуриятни юкловчи ҳамда уларнинг вазифаларини белгилаб берувчи қоидаларга зид келади. Шунингдек бу ҳолат ҳар қандай эҳтимолий сунистеъмол учун жавобгарликни йўқотади.

Ташриф этилган сайлов участкаларининг кўпларида УСК раислари ўзлари раҳбарлик қилаётган сайлов участкаларида қўшимча сайловчилар рўйхатлари мавжудлигини тан олишни истамадилар, гарчи кейинги олиб борилган тадқиқот натижасида кўпгина фуқаролар сайлов куни ушбу рўйхатларга киритилиш имкониятидан фойдаланганликлари аён бўлса ҳам. Бу эса, ўз навбатида, дастлабки тузилган сайловчилар рўйхатларининг аниқлиги борасида шубха туғдиради. Бундан ташқари, камида икки ҳолатда, сайлов участкаси деворига осиб қўйилган сайловчилар рўйхати билан сайлов жараёни вақтида фойдаланилган рўйхат бир-биридан фарқ қилгандиги кузатилди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари шунингдек қатор ҳолатларда овоз берииш қутилари тўғри муҳрланмаганини қайд этдилар, баъзида бу муҳрларнинг сифатсизлигидан келиб чиқди. Ташриф этилган бир неча сайлов участкаларида ногирон сайловчилар кириши учун шароитлар яратиб берилди.

Овозларни хисоблаш вақтида ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этилган сайлов участкаларининг барчасида жиддий процессуал бузилишларни қайд этдилар. Жумладан, УСКлар кўпинча сайловчилар рўйхатларидағи овоз берувчилар имзоларининг ададини аниқлаштирамадилар ва, шу тариқа, овоз берииш қутиларидан олинган бюллетенлар сони билан солиштирамадилар, бу эса натижаларнинг хисобдорлигига салбий равишда таъсир кўрсатди.<sup>71</sup>

<sup>71</sup> ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул килинган ҳужжатининг 7.4-бандида овозлар “ҳалол равища хисобланиши ва эълон қилиниши ҳамда расмий натижалар оммага тақдим қилиниши керак”лиги мажбурияти белгиланган.

Улар шунингдек ишлатилмаган бюллетенларни санамадилар ва бекор қилмадилар. Улар қўп ҳолатларда натижалар баённомаларини тўлдиришда қийинчиликларга учрадилар, қисман бу ҳисоблаш тартибларига яхши амал қилинмагани учун ва қўпроқ даражада бюллетенларни солишириш бўйича қонуний талаб ва тартибларни эътиборсиз қолдирганлик сабабидан содир бўлди. МСК қарорига қарамай, ташриф этилган сайлов участкаларининг ҳеч қайси бири ҳисоблаш якунига етганидан сўнг натижавий баённомаларни омма эътиборига тақдим этмади, бу эса натижалар очиқлигига путур етказди ва сайлов жараёни субъектлари учун шикоят топшириш имкониятини чегаралаб қўйди.

ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари ташриф этган бешта ОСКларда овозларни ҳисоблаш изчилигамалга оширилмади ва қўпгина натижалар баённомаларини тузатишга тўғри келди, жумладан қўп ҳолатларда УСКларда тузатиш киритиш зарур бўлиб қолса, фойдаланиш учун бир неча тоза баённомалар тайёр турган эди. ЕХХТ/ДИИХБ СКЧМ кузатувчилари овозларни сарҳисоб қилиши вақтида ташриф этилган ОСКларда сиёсий партиялар вакиллари одатда хозир бўлмаганини қайд этдилар. Овозларни ҳисоблаш 30 марта гаги куннинг ярмигача давом этди ва дастлабки натижалар шу куннинг ўзида МСК томонидан эълон қилинди.

МСК якуний натижаларни 6 апрель куни эълон қилди, уларга биноан Президент Каримов 17 122 597 овозга эга бўлди, ундан кейинги ўринда Саидов 582 688 овоз билан, Кетмонов 552 309 овоз билан ва Умаров 389 024 овоз билан турдилар. Ютқизган уч нафар номзодлардан ҳар бирининг натижалари улар ўз номзодларини рўйхатдан ўтказиш вақтида тўплаган қўллаб-қувватловчи имзолардан анча кам даражада овоз олганликларини кўрсатди. Бу эса номзодларни рўйхатдан ўтказиш жараёнининг ишончлилиги борасида шубҳа туғдиради. На дастлабки ва на якуний натижалар ичига сайлов участкалари бўйича қатнашган овоз берувчилар сони ёки ҳақиқий ва бекор қилинган бюллетенлар миқдори ҳақидаги очиқликни таъминлаши мумкин бўлган батафсил маълумотлар киритилди.

## XV. ТАВСИЯЛАР

Матн бўйлаб берилган қуйидаги тавсиялар демократик сайловлар бўйича ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа ҳалқаро мажбуриятлар ва меъёрларга тўлалигича мувофиқ равишда сайловларни ўтказиш борасидаги ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳокимият органларига, сиёсий партияларга ва фуқаролик жамияти вакилларига кўриб чиқиш учун тақдим этилмоқда. Ушбу тавсиялар хозирча жавобсиз қолган ЕХХТ/ДИИХБнинг аввалги тавсиялари, ҳусусан унинг 2014 йилдаги парламент сайловлари бўйича қилган якуний ҳисоботи билан боғлиқликда ўқилиши керак. ЕХХТ/ДИИХБ сайлов жараёнини янада яхшилашда ва ушбу ҳамда аввалги ҳисоботларда берилган тавсияларга амал қилишда Ўзбекистон Республикасининг ҳокимият органларига ёрдам беришга тайёр.<sup>72</sup>

<sup>72</sup> ЕХХТнинг 1999 йилда Истанбулда қабул қилинган хужжатининг 24-бандига мувофиқ ЕХХТга иштирокчи давлатлар ўз зиммаларига “ДИИХТнинг сайлов соҳасидаги баҳолашлари ва тавсияларига дарҳол риоя этиш” мажбуриятини олганлар.

## A УСТУВОР ТАВСИЯЛАР

1. Конституцияга риоя этилиши керак ва Конституциявий Суд, тайинланган орган сифатида, Конституция нормаларини талқин қилиши лозим.
2. Ҳуқукий-меъёрий асос ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар ҳамда бошқа халқаро мажбуриятлар ва андазаларга мос келтирилиши учун кейинги сайловлардан олдин ҳар томонлама синчковлик билан қайта кўриб чиқилиши керак, бунда асосий эркинликлар, жумладан уюшиш, йиғилиш ва ифода эркинликлари, қонун томонидан тегишли равишда ҳимоя қилинганлигига алоҳида эътибор қаратиш лозим.
3. Уюшиш эркинлиги ҳуқуқини чекловчи қонундаги номутаносиб ёки таҳқирловчи чекловлар бекор қилиниши керак. Бундан ташқари, нодавлат ташкилотларнинг фаолияти юзасидан қўйилган чекловлар ҳам қайта кўриб чиқилиши керак ҳамда Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги пакт ва ЕХХТнинг 1990 йилда Копенгагенда қабул қилинган хужжатининг 9.3 ва 10.3-бандлари билан мослаштириш учун тузатишлар киритилиши лозим.
4. Сайлов жараёнининг барча субъектлари сайлов жараёни давомида, жумладан сайловдан олдинги ва сайловдан кейинги даврларда, ҳибсга олиниш хатарисиз йиғилиш ҳуқукларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак.
5. Президентликка номзодни қўйиш бўйича асоссиз чекловлар қонунчилик хужжатларидан олиб ташланиши керак. Мамлакатда яшаш муддати камида 10 йил бўлиши керак деб қўйилган талаб ҳамда давлат тилини яхши билиш талаби бекор қилиниши керак. Устидан суд бўлиб ўтаётган ёки қамоқда бўлган фуқароларнинг, улар содир этган жиноят оғирлигидан қатъи назар, номзодларини қўйиш бўйича ҳуқукларининг чекланиши ҳам бекор қилиниши керак. Мустақил номзодлар сайловда иштирок ҳуқуқига эга бўлишлари керак.
6. Судлар ва сайлов бошқарув органлари самарали жавоб беришни кафолатлаш мақсадида ҳақиқий равища, холисона ва очиқ тарзда фаолият юритишларини таъминлаш учун сиёсий ирода ва ҳуқукий низомларга нисбатан хурмат зарур.
7. Сайлов жараёнининг очиқлигини янада ошириш мақсадида ҳеч бир партияга алоқадор бўлмаган фуқаролик кузатувини таъминлаш учун қонунчиликка ўзгартиришлар киритиш лозим. Бундан ташқари, халқаро кузатувчилар учун сайлов жараёнининг барча субъектлари билан тўсиқсиз учрашиш имконияти яратилиши керак.
8. Бошқалар номидан ва кўп маротаба овоз бериш бўйича кенг тарқалган ва турғун амалиётларга барҳам бериш учун сиёсий ирода керак. Айборлар, жумладан бу каби амалиётларда иштирок этувчи ёки шунга йўл қўювчи сайлов комиссияси аъзолари, жавобгарликка тортилиши керак.

## В      Бошқа тавсиялар

### Хуқуқий-меъёрий асос

- Сайловларни ўтказиш бўйича аниқ ва батафсил хуқуқий-меъёрий асос барча масалаларни қамраб олувчи кодекс ёки қонунлар тўпламида акс эттирилган статутли қонунчилик орқали ўрнатилиши керак. Мазкур қонунлар тўплами изчил тарзда ҳамда бирон-бир ноаниқлик ёки камчиликсиз биргаликда амал қилиши лозим.

### Сайлов бошқарув органлари

- МСК мустақиллигини кафолатлаш мақсадида ушбу орган барчани қамровга олган (инклюзив) ҳамда кўпчилик иштироки (плюралистиқ) асосида тайинланишини таъминловчи ўзгартиришларни қонунчиликка киритиш масаласига эътибор бериш мумкин.

### Сайловчиларни рўйхатга олиш

- Сайловчилар рўйхатларини янгилаш, қайта кўриб чиқиши, солиштириши ва бир исмни бир неча маротаба киритиш ҳолатларининг олдини олиш имкониятини берадиган сайловчиларни рўйхатга олиш бўйича ягона тартибни жорий қилиш масаласи кўриб чиқилиши мумкин. Сайловчиларни рўйхатга олиш тартиби қонунчиликда аниқ ва батафсил тарзда белгиланиб, изчил равишда амалга тадбиқ этилиши керак.

### Номзодларни рўйхатга олиш

- Сайлов бўйича илгор тажрибага мувофиқ қўллаб-қувватловчи имзолар сони камайтирилиши мумкин ҳамда фуқаролар фақат бир номзод учун овоз беришлари керак деган чеклов олиб ташланиши мумкин.

### Сайловолди ташвиқотни молиялаштириш

- Сайлов жараёнининг ҳисобдорлиги ва очиқлиги тамойилларига риоя этишини таъминлаш мақсадида сайловолди ташвиқотнинг молиялаштирилишини тартиблаштирувчи хуқуқий-меъёрий ҳужжатлар қайта кўриб чиқилиши керак. Киритилиши мумкин бўлган тузатишлар партияларнинг умумий ҳисботини ва сайловолди ташвиқоти учун ажратилган молиялар бўйича ҳисботни тартиблаштирувчи қоидаларни бир-биридан ажратиб бериши, шунингдек давлат ва хусусий молиялаштириш, сайловолди ташвиқотга ҳисса қўшиш ва ташвиқот ҳаражатлари, ташвиқот бўйича молиявий ҳисбот ва уни очиш, назорат ва кузатув бўйича низомларни аниqlаштириб бериши мумкин.

### ОАВ

- Оммавий ахборот воситаларини тартиблаштирувчи қонунчилик ҳужжатлари синчковлик билан қайта кўриб чиқилиши лозим ва барча масалаларни қамраб олган ягона қонунда бирлаштирилиши мумкин. Умуман олганда, хуқуқий-меъёрий асос чинаккам мустақил тартиблаштирувчи органни таъминлаши ҳамда ахборот воситаларини рўйхатга олиш ёки

уларнинг фаолиятини тўхтатиб қўйиш бўйича мукаммал ва аниқ мезонларни белгилаб бериши керак.

15. Эркин ташвиқот муҳитини яратиш ҳамда демократик сайловларни ўтказиш учун муҳим бўлган асосий эркинликларга тўла-тўқис риоя этилишини таъминлаш мақсадида ифода эркинлигига қўйилган асоссиз чекловлар ҳуқукий-меъёрий хужжатлардан олиб ташланиши керак. Қоралаш ва ёлғон маълумотларни тарқатиш учун жиноий жавобгарлик ўрнига асосли ва мутаносиб фуқаролик жавобгарлигини жорий қилиш мақсадида ҳуқукий-меъёрий хужжатлар қайта кўриб чиқилиши керак.
16. Сиёсий жараёнда хотин-қизлар иштирокини қўллаб-қувватлаш мақсадида давлат ахборот воситаларида ваколатли вакилалар ҳамда партиялардаги хотин-қиз фаолларга эфир вақтини бағишлиш каби кенг қамровли чоралар кўриб чиқилиши мумкин.

### **Шикоятлар ва мурожаатлар**

17. Ҳар бир сайловчи, номзод ёки сиёсий партия учун сайлов жараёнининг ҳар қайси босқичида шикоят бериш ҳуқуқини таъминлаш, шикоятларни топшириш ва уларни кўриб чиқиши муддатларини аниқ кўрсатиш ҳамда шикоятларни кўриб чиқишида очиқлик ва омма томонидан эркин ахборот олинишини кафолатлаш мақсадида қонунчилик хужжатларига ўзgartиришлар киритилиши лозим. Ушбуларни қонун остидаги ҳужжатларда эмас, балки қонуннинг ўзида кўрсатишга эътиборни қаратиш мумкин.

## ИЛОВА: ЯКУНИЙ НАТИЖАЛАР

МСК қуидаги расмий натижаларни эълон қилди:

- Рўйхатга олинган сайловчилар сони: 20 798 052 (12 198 нафари хорижда)
- Берилган овозлар сони: 18 942 349 (11 261 нафари хорижда)
- Сайловга келганлар фоизи: 91,08 фоиз
- Бекор қилинган бюллетенлар сони: 295 731

| Номзодлар                         | Овозлар сони | Фоиз  |
|-----------------------------------|--------------|-------|
| Каримов Ислом Абдуғаниевич        | 17 122 597   | 90,39 |
| Кетмонов Хотамжон Абдурраҳмонович | 552 309      | 2,92  |
| Сайдов Акмал Ҳолматович           | 582 688      | 3,08  |
| Умаров Наримон Мажидович          | 389 024      | 2,05  |

## **ЕХХТ/ДИИХБ ҲАҚИДА**

Демократик институтлар ва инсон хуқуқлари бўйича бюро (ЕХХТ/ДИИХБ) иштирокчи давлатларга “инсон хуқуқлари ва асосий эркинликларни тўлиқ тъминлашда, қонун устуворлигига риоя қилиш ва, демократик тамойилларни рағбатлантириш ва (...) демократик институтларни шакллантириш, мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилишда ҳамда бутун жамият кўламида чидамлиликни ривожлантиришда” ёрдам кўрсатишга чақирилган ЕХХТнинг асосий институтидир (1992 йилдаги Хелсинки саммити хужжати). Бу ЕХХТнинг инсоний ўлчови ҳисобланади.

Варшавада (Польша) жойлашган ЕХХТ/ДИИХБ “Эркин сайловлар бюроси” номли 1990 йилдаги Париж саммитида ташкил этилган ва 1991 йил май ойида ўз фаолиятини бошлаган. Бир йил ўтгач инсон хуқуқлари ва демократлаштириш киритилиши билан Бюронинг ваколати кенгайиши туфайли унинг номи ўзгарди. Ҳозирги кунда Бюро штатида 130 нафардан ортиқ мутахассис бор.

ЕХХТ/ДИИХБ Европада **сайловларни кузатиш** соҳасида етакчи ташкилот ҳисобланади. Ҳар йили Бюро ЕХХТ минтақасида ЕХХТ доирасидаги мажбуриятлар, демократик сайловлар ўтказиш бўйича бошқа халқаро стандартлар ва миллий қонунчиликка мослигини баҳолаш учун минглаб кузатувчилар йўналишларини мувофиқлаштиради ва ташкил этади. Унинг ноёб услубияти сайлов жараёнининг барча жиҳатларини чуқур таҳлил қилиш имконини беради. Ёрдам кўрсатиш лойиҳаларини амалга ошириш орқали ЕХХТ/ДИИХБ иштирокчи давлатларга сайлов инфратизимини яхшилашга кўмак беради.

Бюронинг **демократлаштириш** бўйича фаолияти қуйидаги соҳаларни ўз ичига олади: қонун устуворлиги, қонунчилик соҳасида кўмак, демократик бошқарув, миграция ва кўчиш эркинлиги, ҳамда жинсий (гендер) тенглик. ЕХХТ/ДИИХБ ҳар йили демократик тузилмаларни ривожлантириш бўйича бир қатор аниқ мақсадга йўналтирилган дастурларни амалга оширади.

ЕХХТ/ДИИХБ, шунингдек, иштирокчи давлатларга ЕХХТ инсоний ўлчовлари соҳасида қабул қилинган **инсон хуқуқлари** ва асосий эркинликларини мустаҳкамлаш ва ҳимоя қилиш бўйича уларнинг мажбуриятларини бажаришда кўмак беради. Бунга терроризмга қарши курашиш шароитларида инсон хуқуқларига риоя этиш, одам савдоси қурбонларининг хуқуқлари ҳимоясини кучайтириш, инсон хуқуқлари соҳасида ўқитиш ва тайёрлаш, инсон хуқуқларининг риоя қилинишини мониторинг қилиш ва хисобот тузиш, шунингдек хотин-қизлар хуқуқлари ва уларнинг хавфсизлиги каби мавзувий соҳаларда ҳамкорликни рағбатлантириш, имкониятларни ривожлантириш ва тажриба алмашиш мақсадида кенг доирадаги ҳамкорлар билан биргаликдаги ишлар воситасида эришилади.

**Бағрикенглик** ва **таҳқирламаслик** соҳалари доирасида ЕХХТ/ДИИХБ нафрат, ирқчилик авж олиши, ксенофобия, антисемитизм ва бағрикенгизликнинг бошқа шакллари билан курашишни фаоллаштиришни кўллаб-куватлашда иштирокчи давлатларга ёрдам кўрсатади. Бағрикенглик ва таҳқирламаслик муносабатини таъминлаш бўйича ЕХХТ/ДИИХБ фаолияти қуйидаги соҳаларга қаратилган: қонунчилик, қонунларни амалга ошириш бўйича таълим, мониторинг ўтказиш, хисоботлар тайёрлаш ва нафрат асосидаги жиноят ва ҳодисаларга жавоб беришни таъқиб қилиш, шунингдек бағрикентглик, хурмат ва ўзаро тушунишни рағбатлантириш бўйича таълим тадбирлари.

ЕХХТ/ДИИХБ **рома** ва **синти** халқларига нисбатан сиёсати масалалари борасида иштирокчи - давлатларга маслаҳатлар беради. Бюро рома ва синти жамоалари имкониятлари ва муносабатларини ривожлантиришга имкон яратади ва рома ва синти вакилларининг ҳукумат органларида иштирок этишида ёрдам кўрсатади

ДИИХБнинг барча тадбирлари ЕХХТга аъзо давлатлар, ЕХХТ институтлари ва ўзга мамлакатлардаги миссиялари, ҳамда бошқа халқаро ташкилотлар билан яқин мослик ва ҳамкорликда ўтказилади

Батафсил маълумотни **ДИИХБнинг** Интернет тармоғидаги сайтидан олиш мумкин ([www.osce.org/odihr](http://www.osce.org/odihr)).